

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 712.03.075

Холиярова Шохистабону Сайдуллаевнанинг

ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИ ЛАНДШАФТ
ЛОЙИҲАЛАШ АМАЛИЁТИНИ ЎРГАНИШ ВА ЛОЙИҲАВИЙ
ТАКЛИФЛАР БЕРИШ

5A5340104–“Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги

Магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация кўриб чиқилди
ва ҳимояга рухсат берилди.
“Архитектура назарияси ва тарихи”
кафедраси мудири
Т.Ф. Кушманов

Илмий раҳбари: арх.номзоди, доц в.б.

_____ **Д.З. Камалова**

Самарқанд–2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Факультет: Архитектура

Кафедра: Архитектура назарияси
ва тарихи

Ўқув йили: 2015–2016

Магистратура талабаси:

Ш. Холиярова

Илмий раҳбари: арх.номзоди, доц.
в.б. Д.З. Камалова

Мутахассислиги: Ландшафтлар
архитектураси

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Ҳозирги вақтда шаҳарларимиздаги энг нуфузли оммабоп жойлар ва ҳудудлар (шаҳар майдонлари, марказий хиёбонлар, пиёда кўчалари ва ҳоказолар) тинмай ободонлаштирилиб ва кўкаламлаштирилиб, тоза ва обод ҳолга келтирилиб, уларнинг меъморий–ландшафт, муҳит дизайни, техник ва муҳандислик ечимларига катта эътибор берилиб келинмоқда.

Бироқ, оммавий жамоат биноларига қарашли ҳудудлар уларнинг меъморий–ландшафт дизайни ва ободончилиги айтарли даражада ижобий эмас.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг 2013 йилда қабул қилган “Республикада ландшафт дизайнини ривожлантириш ҳақидаги Дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги 223–сонли Қарорида белгиланган вазифалар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини асословчи далиллар мавжуддир.

Ишнинг мақсади жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалашга доир назарий–амалий ва лойиҳавий таклифларни ишлаб чиқишдир.

Тадқиқот объектига нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда қурилган жамоат бинолари ҳудудларининг меъморий–ландшафт ва дизайн ечимлари киради.

Тадқиқот предмети. Жамоат бинолари ҳудудларини меъморий–ландшафт лойиҳалаш, манзаравий шакллантириш ва ривожлантиришнинг илғор йўналишлари ва тамойилларини ўрганиш ва бу соҳага доир лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш тадқиқот предметини белгилаб беради.

Диссертацияда илк бор айнан жамоат бинолари ҳудудларининг меъморий–ландшафт ечимларидаги илғор замонавий йўналишлар кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди, замонавий тамойиллар ва усуллар аниқланди.

Ишнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

- ландшафт архитектураси ва дизайнига қўйиладиган умумий талаблар ва жамоат бинолари объектларининг замонавий типологияси ишлаб чиқилди;
- ландшафт архитектурасининг меъморий–режавий услублари ва яшил композициялар: солитерлар, гуруҳлар, қаторлар, массивлар, тик

кўкаламзорлаштириш композициялари, гулзорлар ва майсазорларни шакллантириш усуллари ва уларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар берилди;

- ҳокимлик ва бошқа маъмурий–бошқарув жамоат бинолари, ясли ва боғчалар, мактаблар ва коллежлар, даволаш муассасалари, спорт комплекслари, савдо корхоналари ва музейлар ҳудудларининг меъморий ландшафт ечимлари бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди;

- ишда жамоат бинолари ҳудудларининг ландшафт архитектураси ва дизайнини яратиш ва ривожлантиришнинг замонавий тамойиллари аниқланиб, улар илмий–амалий ва лойиҳавий таклифлар сифатида илмий шакллантирилди.

Магистратура талабасия:

Ш. Холиярова

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY EDUCATION OF
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
SAMARKAND STATE ARCHITECTURAL AND CIVIL
ENGINEERING INSTITUTE NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK**

Faculty: Architecture

Department: Theory and History of
Architecture

Academic Year: 2015 -2016

Magistr: Sh. Kholiyarova

Scientific advisor: D.Z. Kamalova,
Candidate of Architecture

Specialty: Landscape Architecture

THE IMPORTANCE OF THESIS THEME

One of the main problems in our town building nowadays is the problem of environmental design, landscape architecture and technical equipment of main squares, pedestrian ways and city places.

But, what about mass constructing public buildings, in many cases territory of public buildings, its landscape solutions is not well organized. Main reason is that in many cases we have not elaborated enough legislative codes and norms. So, as a result of this conditions we decided to devote our dissertation to development of landscape design solutions of public territories.

The purpose of this research is to study of contemporary practice of our country and foreign countries in landscape design of public territories. Main purpose of research is elaboration of theoretical and practical proposals for designing of territories of public places.

As the objects of research were taken public buildings territories landscape and architectural solutions not only in Uzbekistan, but also in foreign countries.

Subject of the research is study tendencies of public building territories landscape and architectural design solutions with elaboration of contemporary theoretical and practical proposals for public buildings territories.

For the first time investigated the architectural and landscape design solutions of public buildings territories. Studied contemporary theoretical and practical tendencies in organization of public buildings territories. Based on this approach given complex proposals for architectural and landscape design of public buildings territories. Also in dissertation was given the proposals for the courtyard architectural and landscape design solutions.

The research has the following main results:

- Elaborated requirements for architecture and design solutions of Public buildings territories and typology of modern Public buildings.
- Given proposals for landscape architecture and design solutions as solitaires, groups, lines, massive, vertical compositions and their formation methods.

- Given proposals for landscape architecture and design solutions of administrative, educational, prophylactics and sport facilities, shopping malls and museums.

- In dissertation proposals for modern organization and development of landscape architecture and design solutions of Public buildings elaborated based on contemporary tendencies and given as project proposals.

Dissertant :

Sh. Xoliyorova

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	11
I–БОБ. ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДЛАРИ ҲАҚИДАГИ УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР.....	17
1.1. Жамоат бинолари ва уларнинг ҳудудларига хос хусусиятлар.....	17
1.2. Жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш амалиётини таҳлил қилиш.....	26
I–боб хулосаси.....	49
II–БОБ. ТАЪЛИМ–ТАРБИЯ ВА СПОРТ БИНОЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ–РЕЖАВИЙ ВА ЛАНДШАФТ ЕЧИМЛАРИ.....	51
2.1. Болалар боғчаларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимлари.....	51
2.2. Мактаблар ва касб–ҳунар коллежлари ҳудудларининг меъморий режавий ва ландшафт ечимлари.....	53
2.3. Спорт бинолари ва комплекслари ҳудудларининг ландшафт ечимлари.....	59
II–боб хулосаси.....	66
III–БОБ. МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ БИНОЛАРИ, МУЗЕЙЛАР, ЁШЛАР МАРКАЗИ, САВДО КОРХОНЛАРИ ВА ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ–РЕЖАВИЙ ВА ЛАНДШАФТ ЕЧИМЛАРИ.....	69
3.1. Ҳокимликлар ва бошқа маъмурий–бошқарув бинолари ҳудудларини ландшафт ташкиллаштириш ечимлари.....	69
3.2. Даволаш муассасалари ҳудудларини ландшафт ташкил- лаштириш.....	71
3.3. Музейлар ва савдо корхоналари ҳудудларини ландшафт ташкиллаштириш.....	76
III–боб хулосаси.....	77
ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР.....	80
ҲОЙДАЛАНЛАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	88

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ҳозирги вақтда шаҳарларимиздаги энг нуфузли оммабоп жойлар ва ҳудудлар (шаҳар майдонлари, марказий хиёбонлар, пиёда кўчалари ва ҳоказолар) тинмай ободонлаштирилиб ва кўкаламлаштирилиб, тоза ва обод ҳолга келтирилиб, уларнинг меъморий–ландшафт, муҳит дизайни, техник ва муҳандислик ечимларига катта эътибор берилиб келинмоқда. Тошкентдаги Мустақиллик майдони, Хотира ва қадрият хиёбони, Мустақиллик ва Амир Темур хиёбонлари, Ўзбекистон Миллий боғи, Самарқанддаги Тошкент ва Мустақиллик пиёда кўчалари, Темир йўл вокзали олдидаги хиёбон, Университет хиёбони, Алишер Навоий номидаги Марказий истироҳат боғи, “Йўлбарслар хиёбони” ва бошқалар бунга мисолдир.

Бироқ, жамоат биноларига қарашли ҳудудларчи? Хорижий меҳмонлар ва сайёҳларни қабул қилувчи нуфузли меҳмонхоналар ҳамда маъмурий–бошқарув органлари биноларига тегишли ҳудудлардан бошқа жамоат биноларининг ҳудудлари, уларнинг меъморий–ландшафт дизайни ва ободончилиги айтарли даражада ижобий эмас. Бу ниманинг оқибатидан? Биринчидан, тегишли Вазирликларга қарайдиган жамоат муассасалари ҳудудларининг обод, ораста ва манзарали бўлишлигини текширувчи органларнинг йўқлиги, бор бўлса ҳам уларнинг талаб доирасида ишламаслигида бўлса, иккинчидан, ана шундай жамоат бинолари ҳудудларининг меъморий–дизайн, ландшафт ечимларига доир меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилмаганлигидадир.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг 2013 йилда қабул қилган “Республикада ландшафт дизайнини ривожлантириш ҳақидаги Дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги 223–сонли Қарорида [5] мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини асословчи далиллардир.

Тадқиқот объекти ва предмети. *Тадқиқот объектига* нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда қурилган жамоат бинолари ҳудудларининг меъморий–ландшафт ва дизайн ечимлари киради.

Тадқиқот предмети. Жамоат бинолари ҳудудларини меъморий–ландшафт лойиҳалаш, манзаравий шакллантириш ва ривожлантиришнинг илғор йўналишлари ва тамойилларини ўрганиш ва бу соҳага доир лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш тадқиқот предметини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш бўйича Республиканинг Мустақиллик йиллари ландшафт архитектураси ва хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва тадқиқот мавзусига тааллуқли маълумотларни таҳлил қилиш асосида жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалашга доир назарий–амалий ва лойиҳавий таклифларни ишлаб чиқишдир.

Тадқиқот вазифалари:

1. Жамоат бинолари ва уларнинг ҳудудларига хос хусусиятларни ўрганиш;
2. Жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш амалиёти бўйича Республика Мустақиллик йиллари ландшафт архитектураси тажрибаларини ўрганиш;
3. Таълим–тарбия ва спорт бинолари ҳудудларини меъморий–режавий ва ландшафт ташкиллаштириш тажрибаларини Республика ва хорижий давлатлар мисолида таҳлил қилиш;
4. Маъмурий бинолар ва бошқа жамоат бинолари ҳудудларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимларини таҳлил қилиш;
5. Жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш бўйича назарий–амалий ва лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Диссертацияда илк бор айнан жамоат бинолари ҳудудларининг меъморий–ландшафт ечимларидаги илғор замонавий йўналишлар кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди, замонавий тамойиллар ва усуллар аниқланди. Мазкур иш асосида илк бор жамоат биноларининг

очик муҳитлар архитектураси ва ландшафт дизайнини ҳамда ҳовлилар ландшафтини ташкиллаштириш бўйича комплекс (назарий–амалий ва лойиҳавий) тақлифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Диссертацияда тадқиқот объекти тарзида қурилиши ҳозирги кунда ва келажакда энг оммавий ҳисобланган жамоат бинолари қамраб олинган. Уларга маъмурий бошқарув ва маданий–маърифий объектлар, мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар, коллеж ва лицейлар, тиббий даволаш муассасалари, спорт иншоотлари киради.

Тадқиқотнинг асосий масаласи шундаки, ҳозиргача Республикада жамоат бинолари ҳудудларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалаш бўйича бирорта ҳам илмий–услубий кўрсатма ёки меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқот мавзуси бўйича қисқача адабиётлар шарҳи (таҳлили). Бугунги кунда Ўзбекистонда жамоат биноларининг меъморий–шаҳарсозлик ечимларини, меъморий лойиҳаларини ишлаб чиқишга Республикамиз архитекторларидан ташқари олимлар, меъморлар, қурувчилар, қишлоқ хўжалик ходимлари жалб қилинган. Анъанавий халқ меъморчилиги ўрганилган, қатор намунавий, индивидуал ва тажриба лойиҳалари ишлаб чиқилиб кенг жамоатчилик мулоҳазасидан ўтказилган.

Бу соҳада тўпланган амалий ва назарий билимлар, тажрибалар асосида мутахассисларимиз томонидан қатор тавсияномалар, қўлланмалар, меъёрлар ва қоидалар ишлаб чиқилган. Кейинги йилларда жамоат бинолари архитектурасига бағишланган бир қатор илмий ишлар юзага келди. Бу соҳада Республикада танилган етук мутахассис олимлар Х.М. Убайдуллаев, Ю.А. Абдурахимов, М.К. Ахмедов, Т.Ф. Қодирова, А.С. Уралов ва Т.Ф. Кушмановларнинг қатор лойиҳа ва илмий ишлари катта аҳамиятга эга. Мазкур илмий ишларда Ўрта Осиё Республикалари, хусусан Ўзбекистон шаҳарларидаги жамоат бинолари архитектурасининг типологияси, уларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича йиғилган

илғор тажрибалар, шунингдек, халқ меъморчилигидаги анъаналар, коллеж ва лицейлар, меҳмонхоналарнинг янги типларини яратиш, уларнинг меъморий ва функционал ечимларини, ҳажм–режавий параметрларини такомиллаштиришга бағишланган қатор амалий таклифлар берилган.

Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқлари, аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ бир қатор адабиётлар ҳам мавжудки, уларнинг муаллифлари қаторига энг аввало И.Э. Кузьмичев, В.П. Печеницын, Т.И. Славкина, О.И. Подольская, А.К. Қайимов, А.О. Досахметов, Ш.А. Балгаеваларни киритиш мумкин. Ўзбекистонда ландшафт архитектураси ва боғ–паркчилик санъати соҳасида қалам тебратётган муаллифлар қаторида эса Л.А. Адилова, А.С. Уралов, К.Д. Рахимов, Л.В. Яскина, С.Н. Садиқова, А.Э. Жонузоқовларни кўриш мумкин. Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчиларнинг саъй–ҳаракатлари билан Ўзбекистон шаҳарларининг ландшафт архитектураси, манзаравий боғдорчилик, гулчилик, дендрология соҳасидаги илм–фан ривожини анча мустаҳкамланди, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди. Бироқ, Ўзбекистон шаҳарларида жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш масалаларига йўналтирилган илмий тадқиқот ва адабиётлар сони ўта камчилиكنи ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси 2009 йилда тасдиқлаган ва ҳозирги кунда кучда бўлган “Қишлоқ хўжалиғи корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш” шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари (ШНҚ 2.07.04–06)да жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш амалиётини ўрганиш ва лойиҳавий таклифлар бериш масалалари қараб чиқилмаган.

Юқоридагиларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, кўрсатиб ўтилган адабиётлар, меъёрий хужжатлар ва илмий ишларда жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалашга хос меъморий–композициявий ва ташкилий хусусиятлар қараб чиқилмаган, бу масала

алоҳида илмий иш сифатида тадқиқ қилинмаган ва мазкур соҳага доир илмий–амалий тақлифлар ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Муаммонинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар, ватанимиз ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш. Мавзуга доир махсус адабиётлар, давлатимиз Қонун ва Фармойишларини, меъёрий–норматив адабиётларни ўрганиш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Бугунги кунда ландшафт архитектурасининг сифатига қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда. Жумладан, иқтисодий, ижтимоий–демографик, меъморий–бадий ва табиий–иқлим шароитларини ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган ҳамда экология, санитария–гигиена ва эстетик талаблар. Ана шу талаблар мажмуи жамоат бинолари ва уларнинг ландшафт архитектураси ечимларининг шаклланишидаги ўзига хос замонавий омиллар сифатида рўёбга чиқмоқда.

Тадқиқот натижалари нафақат амалий, балки назарий аҳамиятга ҳам эгадир. Улар Республикамиз олий таълим муассасаларидаги “Архитектура”, “Қишлоқ аҳоли пунктларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш”, “Ландшафт дизайни” таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларни ўқитишда, ландшафт архитектураси ва дизайни фанларидан ўқув қўлланма ва дарсликлар, монографияларни тайёрлаш ва яратишда ҳам асқотади деб ўйлаймиз.

Тадқиқотнинг асосий илмий натижалари қуйидагилардан иборат:

- ландшафт архитектураси ва дизайнига қўйиладиган умумий талаблар ва жамоат бинолари объектларининг типологияси ишлаб чиқилди;
- ландшафт архитектурасининг меъморий–режавий услублари ва яшил композициялар: солитерлар, гуруҳлар, қаторлар, массивлар, тик кўкаламзорлаштириш композициялари, гулзорлар ва майсазорларни

шакллантириш усуллари ва уларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар берилди;

- ҳокимлик ва бошқа маъмурий жамоат бинолари, ясли ва боғчалар, мактаблар ва коллежлар, даволаш муассасалари, спорт комплекслари ва хўжалик корхоналари ҳудудларининг меъморий ландшафт ечимлари бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди;

- Самарқанд шаҳар архитектура–қурилиш бўлими ходимлари учун жамоат бинолари ҳудудларининг ландшафт архитектураси ечимларига йўналтирилган график–альбом шаклидаги илмий–услубий ва лойихавий таклифлар ишлаб чиқилди;

- ишда жамоат бинолари ҳудудларининг ландшафт архитектурасини яратиш ва ривожлантиришнинг устувор тамойиллари аниқланиб, илмий шакллантирилди.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш қўйидаги йўналишларда олиб борилди:

- Жамоат бинолари ҳудудларини архитектура лойихавий ва меъморий–ландшафт ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ишлаб чиқилди (Ҳаммуаллиф. Самарқанд: СамДАҚИ, 2016 й.).

Ишнинг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та илмий–амалий анжуманларда М.Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура–қурилиш институти архитектура факультетининг илмий семинарларида (Самарқанд, 2015–2016) апробациядан ўтказилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 3 та илмий мақолалар, 1 та услубий кўрсатма чоп этилган.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши кириш, 3 та боб, 35 та номдан иборат фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 8 бетдан иборат бўлиб, 25 та расм, 14 та жадвални ўз ичида олади.

I–БОБ.

ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУДУДЛАРИ ҲАҚИДАГИ УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР


1.1. Жамоат бинолари ва уларнинг ҳудудларига хос хусусиятлар

Жамоат бинолари ўзининг асосий вазифалари, аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композициясининг ғоявий-бадий тасвирланиши бўйича таснифланади ва бир неча гуруҳларга бўлинади [20] (1–расм). Жамоат биноларининг жойлашиш ўрни унинг функционал аҳамиятига, унга шаҳар қишлоқ, туман ёки микрорайон аҳолисининг эҳтиёж даражасига ҳамда улар бажарадиган вазифаларга кўра аниқланади. У ёки бу гуруҳдаги жамоат биноларининг ҳажмий–режавий тузилмаси кўп йиллик лойиҳалаш, қурилиш ва улардан фойдаланиш амалиёти натижасида шаклланади. Кўп йиллик шаклланиш асосида режалашнинг ва ҳажмий–фазовий композициянинг энг мақбул (оптимал) тизимлари белгиланади ва бу тизимлардан типологик тарзда фойдаланилади. Худди шу асосда жамоат биноларининг ташқи меъморий қиёфаси, уларнинг бадий тасвири ҳам шаклланади. Буларнинг барчаси ҳар хил турдаги жамоат биноларининг типологик тавсифини яратиш учун шарт-шароит ҳозирлайди. Бу типологик характеристика жамоат биноларини асосий типологик белгилари бўйича гуруҳларга ажратиш имконини беради. Иқлим шароитлари, табиат, аҳоли турмушининг маданий–маиший жиҳатлари ва халқнинг анъаналари жамоат биноларининг композициясида ўз аксини намоён этади, лекин уларнинг типологик характеристикаларини ўзгартирмайди.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, жамоат биноларининг қуйидаги гуруҳларини тақлиф қилиш мумкин [23]:

- ўқув–тарбия ва илмий муассаса бинолари;
- томоша бинолари;
- спорт иншоотлари;

- савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари;
- маъмурий ва коммунал хизмат кўрсатиш бинолари;
- транспорт иншоотлари;
- даволаш, профилактика бинолари.



1–расм. Жамоат биноларининг классификацияси

Жамоат бинолари кўп сонли ташриф буюрувчиларнинг вақтинчалик ташрифи учун мўлжалланган бинолардир (театр, универмаг, стадион ва бошқалар). Шунинг учун ком-муникация ҳамда ташриф буюрувчиларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш жамоат бинолари учун алоҳида аҳамият касб этади. Шунга боғлиқ тарзда жамоат биноларида горизонтал ва вертикал боғловчилар (вестибюллар, коридорлар, лифтлар, нишабли йўлаклар, эскалаторлар ва бошқалар) га катта эътибор қаратилади.

Одатда, жамоат бинолари микрарайонда, турар жой ҳудудида, шаҳар ёки қишлоқлар ҳудудида марказий жойни эгаллайди ва архитектуравий ансамблларни яратишда асосий объект бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир жамоат биноси ўз вазифасини бажариш учун мўлжалланган асосий хоналар (масалан, мактабда–синф хоналар, олий ўқув юртида–аудиториялар, театрда–томоша заллари, универмагда–савдо–сотик заллари ва ҳ.к.)га эга бўлади. Асосий хоналардан ташқари, ҳар бир жамоат биносида ёрдамчи хоналар ҳам бўлади. Буларга, одатда, вестибюллар, фое, коридорлар, зинапоялар ва бошқалар киради.

Ана шундай асосий ва ёрдамчи хоналар жамоат биноларининг таркибий элементлари деб аталади. Жамоат биноларининг кўплиги ва турли-туманлигига қарамасдан, улардаги ана шу таркибий элементларни, яъни асосий ва ёрдамчи хоналарни умумлаштириш, гуруҳларга бўлиш, бино тарҳида жойлаштириш ва уларга нисбатан лойиҳалашнинг асосий талабларини белгилаш мумкин.

Жамоат биноларидаги ана шу асосий ва ёрдамчи хоналарнинг тарҳда қандай жойлашганлиги, улар орасидаги функциявий боғланишларнинг нечоғлик тўғри, қулай ва қисқа бўлишлиги бинодан фойдаланганда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Жамоат биноларининг хоналари хилма-хил, кўп сонли, катта ва кичик бўлиши мумкин, буларнинг барчасини санаб ўтиш ва уларга таъриф бериш мушкул иш. Шунинг учун қуйида жамоат бинолари таркибида энг кўп учрайдиган асосий ҳамда ёрдамчи хоналар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Жамоат биноларининг характерли белгилардан бири - бу уларда кўп сонли одамларга мўлжалланган хоналар (заллар)нинг мавжудлигидир.

Асосий хоналар, одатда, бинонинг бош вазифасини бажаришга мўлжалланган, катта миқдордаги ташриф буюрувчиларни ўзига сиғдира оладиган катта ўлчамли хоналар бўлиб, уларга, одатда, қуйидагилар киради [23]:

- театр, кино, цирklar ва бошқа томоша муассасаларининг томоша заллари;

- кўрғазмалар, музейлар, картинали галереяларнинг намоиш қилиш заллари;
- жамоат мажлиси заллари ва мажлислар заллари;
- спорт билан шуғулланиш ва жисмоний тарбия заллари;
- кутубхоналарнинг ўқув заллари;
- турли вазифали савдо-сотиқ заллари;
- ташриф буюрувчилар билан хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот содир бўладиган банк, жамғарма кассалари, почтамп, вокзал, аэропорт ва бошқа муассасалардаги операцион заллар.

Маъмурий бинолардаги иш кабинетлари, ўқув юртларидаги иш хоналари, мактаблардаги синфлар ва лабораториялар, олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейлардаги аудиториялар ва бошқа кабинетлар турлитуманликка ва кенг оммавийликка эгадир.

Ёрдамчи хоналарга вестибюллар, фоелар, горизонтал боғловчилар (зинапоялар, лифтлар, нишабли йўлаклар, эскалаторлар), санитария узеллари киради.

Жамоат биносини ташқи муҳит (кўча, майдон) билан боғлайдиган хона вестибюл деб аталади. Ташкилот, муассаса, корхона ходимлари, ишчи ва хизматчилари ҳамда томоша муассасаларига ташриф буюрувчилар ёки томошабинлар ишчи хоналар ва томоша залларига вестибюл орқали ўтишади.

Кўп ҳолларда вестибюлларга уст кийимларни ечиш, гардероблар, газета ва журналлар, сувенирлар, салқин ичимликлар харид қилинадиган дўконлар, шунингдек, томоша муассасаларида чипта харид қилиш кассалари жойлаштирилади.

Вестибюл жамоат биносининг биринчи хонаси, остонаси сифатида, унинг ишлаш характери, унинг аҳамияти, архитектуравий жиҳатлари ҳақида маълумот беради. Шунинг учун вестибюл интерьерлари кўркем, кенг, тантанали кўринишга эга бўлиши лозим.

Гардеробли вестибюллар юзасининг миқдори кенг диапазонда ўзгаради: ҳар бир кишига 0,25–0,4 м² тўғри келади. Вестибюлнинг ташриф буюрувчиларни ўтказувчанлик қобиляти қанчалик кичик бўлса, унга шунчалик кўп майдон меъёрини белгилаш тақозо этилади, кичик (паст) меъёрий ўлчам миқдорларига ҳисобланган вестибюллар, тор, ноқулай ва кўркамлик, тантаворликдан холис бўлади. Алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган жамоат бинолари вестибюллариининг майдонини уларда тантаворлик ва монументалликни яратиш учун олий, юқори меъёрий ўлчамлар бўйича ҳисоблаш тақозо этилади.

Гардеробларнинг майдони ҳар бир кишига тўғри келадиган 0,08–0,1 м² меъёрий юза бўйича ҳисобланади [20]. Бу майдонга кийим осгичлар ва гардеробни ташриф буюрувчилардан ажратиб турадиган тўсиқ ортидаги ўтиш йўлакчаси ҳам жойлаштирилади. Кийим осгичлар гардеробда бир томонлама жойлаштирилганда, гардероб олдида эни 3 м бўлган, икки томонлама жойлаштирилса, эни 6 м бўлган эркин ўтиш оралиғи қолдирилади. Алоҳида гардеробларнинг майдони ҳар бир киши учун 0,2 м² ни ташкил этиши, кийим осгичлар орасидаги йўлакчанинг эни 0,7 дан, тўсиқ билан кийим осгичлар оралиғи эса 1 м дан кам бўлмасиини лозим. Гардеробнинг мақбул энини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Вестибюл ўзининг жойлашиш ўрнига кўра бино хоналарини ташқи муҳит билан боғлайдиган хона ҳисобланади. Уни бино биринчи қаватининг маркизий қисмига жойлаштириш табиий ва қулайроқдир, чунки, бундай жойлаштиришда коммуникациялар бўйича юриш масофаси қисқаради. Бинога вестибюл орқали кириш аниқ ва равшан кўриниб туриши ва тушунарли бўлиши лозим.

Вестибюл олдида кенг, тантанавор зинапоя ва ташқарида автомашиналарни қўйишни ҳам ҳисобга олган ҳолда бинога кириш йўли қуриш кўзда тутилиши тавсия этилади. Қор ва ёмғирдан ҳимояланиш мақсадида вестибюлга кириш жойида соябон ёки айвоннинг ўрнатилишини кўзда тутиш лозим. Шу сабабли вестибюлни бинога кириш,

яъни остонага туташган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Агар бино тарзи катта узунликка эга бўлса, ёки бир нечта мустақил қисмлардан ташкил топса, у ҳолда бинога икки ёки бир нечта вестибюл ўрнатиш мумкин. Бундай ҳолларда улардан бош вестибюлни аниқлаш ва архитектуравий-бадий воситалардан фойдаланиб, унга тегишли бўлган мос кўринишни (дизайнни) танлаш керак.

Томоша ёки кино сеанси бошланишини кутиш ва танаффус (антракт) пайтида дам олишга мўлжалланган жой фойе деб аталади. Фойе бевосита томоша зали олдида жойлаштирилади ва зал билан узвий боғланишга эга бўлиши лозим. Иккинчи томондан фойе вестибюл билан боғланган ёки қўшилган бўлиши мумкин. Фойе айнан битта сатҳда ёки асосий зинапоялар оралиғига жойлаштирилган бўлиши мумкин. Фойе катта хона (зал) ни ўзида мужассамлаштириб, диванлар, креслолар, стул ва журналлар қўйиладиган столлар билан жиҳозланган ва унда хотиржам дам олиш жойлари ва антракт пайтида фаол дам олиш учун майдон кўзда тутилиши лозим.

Фойга тантаворлик бериш учун етарли даражада зарур бўлган баландликни, уни устунлар билан девор ва шифтлардаги тасвирлар, ҳайкалтарошлик ва бошқа бадий безак воситалари билан пардозлашни кўзда тутиш керак. Алоҳида ҳолларда фойе музей ёки кўргазма заллари билан бирлаштирилади. Фойга ёки унга яқин бўлган жойга буфет ва ташриф буюрувчилар учун столлар, озиқ-овқатларни сақлашга мўлжалланган ёрдамчи хоналар, таом ва иссиқ ичимликлар тайёрланадиган хоналар, идиш-товоқларни ювадиган хоналар жойлаштирилади.

Фойе майдони томоша залидаги жойлар (ўринлар) сонига боғлиқ ва бар бир ўринга 0,5–0,6 м² юза меъёридан келиб чиқиб ҳисобланади [20]. Фойенинг баландлиги 3,5 м дан кам бўлмаслиги керак. Бу баландлик хонанинг майдонига боғлиқ ҳолда қабул қиланади. Буфет, музей ва айланма майдон билан биргаликда фойенинг битта томошабин ўрнига тўғри келадиган майдони 0,7–0,8 м: га тенг келади. Фойенинг эни яхши

пропорционаллик талабларидан келиб чиқади ва 3 м дан кам бўлмаган ўлчамда қабул қилинади.

Фойенинг кенг коридор кўринишида зални қўшаб оладиган қисмига қулуарлар дейилади. Улар томоша залларида, жамоавий мажлис ва конференция залларида қўлланилади. Қулуарлар антракт пайтида ва мажлис ҳамда дискуссияларнинг танаффус пайтида дам олиш, суҳбатлашиш, учрашиш жойлари сифатида фойдаланилади. Қулуарлар ҳам худди фойелар каби хизмат кўрсатиш хоналарига (буфет, хожатхона ва ҳ.к.) эга бўлиши мумкин. Демак, қулуарлар ва фойеларнинг вазифаси ўхшашдир. Улар фақат ўз шакли (фойе зал шаклида, қулуар эса коридор шаклида) ва бино таркибида жойлашиши билан (қулуарлар бевосита зални қўшаб олади) бир-биридан фарқланади.

Горизонтал (коридорлар галереялар) ва вертикал (зинапонлар, лифтлар, эскалаторлар) боғланиш воситалари жамоат биноларидаги турли вазифаларни ўтовчи хоналар ва жойларни ўзаро боғлашга мўлжалланади. Горизонтал боғланиш воситалари ичида энг кенг қўлланиладигани коридорлар ҳисобланади. Улар бир томонлама, икки томонлама ва қўшма тарзда лойиҳаланади. Икки томонлама коридорлар энг қулай ва иқтисодий жиҳатдан энг мақбул ҳисобланади. Бундай коридорлар бино узунлиги бўйлаб юришни ва бинодаги барча коммуникациялар узунлигини қисқартиради, бинони ихчамроқ қилади, корпус энини ошириб, бир томонлама ва қўшма тарздаги коридорли биноларга нисбатан бино ҳажмини қисқартиради, режалашнинг тежамли вариантларини топиш имкониятини беради.

Коридорлар табиий равишда ёритилганликка эга бўлиши лозим. Бу масала бир томонлама ва қўшма коридорлар учун анча оддийроқ ечилади, икки томонлама қуриладиган коридорларда эса бу масаланинг ечими анча қийинроқ кечади, коридорлар фақат ён томонлардан табиий равишда ёритилиши мумкин. Шу сабабли икки томонлама коридорга эга бўлган биноларнинг чекка томонлари очиқ ҳолда бўлиши ёки бу томонларга

бинолар қурилмаслиги лозим. Бироқ чекка томонлардан тушадиган табиий ёруғлик 20 метргача самара беради, ундан узун бўлган ҳолларда коридор кўшимча ёруғликни (ён томондан) талаб этади. Шу боис фақат икки ён томондан табиий равишда ёритиладиган коридорлар максимал 40 метр узунликка эга бўлиши керак, бир томондан ёритиладиган коридорлар эса табиий ёритилганликка зинапоя катаклари ёки ёруғлик чўнтаклари (карман) орқали эришиш мумкин [23].

Коридорларни ойнали эшиклар ва фрамугалар орқали ҳам табиий ёритишга эришиш мумкин, лекин бундай ёритиш жуда кам самарали бўлиб, иш хоналаридаги товуш изоляцияси ва кўринишни пасайтиради. Коридорлар зинапоялар ва лифтлар билан тўғридан-тўғри боғланган бўлиши лозим.

Коридорнинг энг узоқ эшигидан зинапоя ёки лифтгача бўлган масофа 25 метрдан ошмаслиги лозим. Коридорлар ёнғин, зилзила содир бўлган ва шунга ўхшаш бошқа табиий офатларда бинонинг барча хоналаридан одамларни қисқа йўл орқали қутқаришни таъминлаши зарур.

Иссиқ иқлимли, кун узунроқ ва ёз фасли кўпроқ давом этадиган мамлакатларда горизонтал боғланиш воситалари сифатида галереялар қўлланилади. Уларга қўйиладиган талаблар зинапоягача бўлган масофанинг нисбатан кенглиги бўлиб, ёнғин ва сейсмик хавф бўйича уларга қўйиладиган талаблар коридорларникига ўхшашдир. Қурилишдаги лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига кўра Ўзбекистонда галереяларни жамоат биноларида қўллашга рухсат этилади. Бироқ, ёзги шароитда қулай бўлган галереялар, қишда унчалик қулай эмаслигини сезиш қийин эмас, чунки қор, ёмғир туфайли уларнинг юзаси музлаш оқибатида сирпанчиқ ҳолатга келади.

Жамоат биноларида энг кўп қўлланиладиган зинапоя турлари икки маршли ва уч маршли зинапоялардир. Зинапояларни лойиҳалашга қўйиладиган асосий талаблар [20]:

- 1) зинапоя майдончаси маршнинг энидан кам бўлмаслиги лозим;

2) ўртадаги маршнинг эни ён томондаги маршлар энининг йиғиндисига тенг бўлиши лозим;

3) маршдаги зиналарнинг сони 3 тадан кам ва 18 тадан кўп бўлмаслиги лозим;

4) маршнинг оғмалиги 1:2 нисбатда бўлиши керак;

5) Зиналарнинг ўлчами 15x30 см; тўсиқ баландлиги 90 см бўлиши лозим.

Жамоат биноларида ҳам турар жой биноларидаги каби зинапоялар асосий вертикал боғланиш воситалари бўлиб хизмат қилади. Ўзининг жойлашиши бўйича улар ташқи ва ички; бажарадиган вазифаларига кўра бош, хизмат ва кутқариш зинапояларига бўлинади.

Кутқариш ва хизмат кўрсатувчи зинапояларни фақат ёпиқ (панжарали ёки тўсиқли) ҳолатда лойҳалаш тавсия этилади. Ёнғин бўлган ҳолларда зинапояларнинг тутунга тўлмаслиги учун коридор билан эшик орқали боғланган бўлиши лозим. Хизмат кўрсатувчи ва кутқарув зинапояларининг эни 1,2 м дан кам бўлмаслиги, оғмалиги эса 1:1,5 м дан катта бўлмаслиги лозим. Бундай зинапояларнинг барча конструкциялари ва материаллари ёнмайдиган бўлиши лозим.

Бир маршли зинапоялар. Жамоат бинолари ва уларнинг хоналарига тантаворлик ва салобат бериш талаб этилганда, бир маршли зинапоялар қўлланилади (музей, санъат саройлари, жамоат мажлиси залларида ва х.к.). Зинапоя муносиб тантанаворликка эга бўлиши учун унинг эни 3 м дан кам бўлмаслиги лозим. Зиналар мармар ва замонавий пардоз материаллари билан пардозланади. Маршларнинг очиқ ҳолатда ва яхши шамолланадиган тарзда ўрнатилиши тақозо этилади (масалан, вестибюл, фойе, залларда). Зинапоя табиий ва сунъий ёруғлик билан яхши ёритилган бўлиши лозим. Ойнали витражлар, устунлар, ҳайкалтарошлик, девор ва шифтлардаги тасвирлар қўшимча тарзда тантанаворлик ва бадиий қиёфа берувчи воситалар сифатида хизмат қилади. Бир маршли тантанавор

зинапоялар фақат бир қаватга ўрнатилади ва, одатда, муҳим архитектуравий аҳамият касб этадиган биноларда қўлланилади.

1.2.Жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш амалиётини таҳлил қилиш

Республикамиздаги жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш амалиётини таҳлил қилиш шун кўрсатадики, аксари ҳолларда бундай биноларга тааллуқли ҳудудлар учун алоҳида ландшафт лойиҳалари (дендролойиҳалар) ишланмайди, чунки бундай лойиҳалар учун одатда маблағ ажратилмайди. Маблағ ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун ажратилиб, бунинг учун тегишли лойиҳа, яъни ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бош лойиҳаси ишлаб чиқилади [16].

Бундай лойиҳани ишлаб чиқишда жамоат биноси учун қизил чизиқларда ажратиб берилган ҳудуддаги мавжуд ландшафт ҳолати таҳлил қилинади. Яъни ҳудуднинг рельефи, қиялиги, ҳудуддаги мавжуд ариқ ва сув оқоваларининг йўли, ўсимлик дунёси (дарахт ва буталар, уларнинг ҳолати, турлари), табиий ва сунъий сув ҳавзалари, улардан фойдаланиш ва сақлаб қолиш даражаси, йирик табиий тошлар ва бошқа табиат элементлари ўрганиб, таҳлил қилиб чиқилади.

Бундан мақсад ушбу ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда мавжуд табиий ландшафт элементлари ва шаклларини максимал сақлаб қолиш, улардан бўлажак ландшафт композицияларини яратишда унумли фойдаланишдир. Агар ҳудудда ўтмишда экилган соғлом экзотик дарахтлар ва буталар, кўл ва мафтункор сув ҳавзалари бўлса улардан максимал фойдаланиш кўзда тутилади.

Ўзбекистонда *мактабгача ёшдаги болалар муассасалари* (БМ) 6–7 ёшгача бўлган болалар учун давлат тарбия ва соғломлаштириш

муассасалари ҳисобланади. Улар ясли, боғчалар ва махсус турдаги болалар муассасаларига бўлинади.

Республикамизда мактабга ёшдаги болалар муассасаларида болаларни ёшига қараб гуруҳлаш амалиёти мавжуд бўлиб, улар қуйидагича қабул қилинган [20]:

А) 3 ёшгача бўлган ясли болалари гуруҳлари (1 гуруҳда 15 тадан 20 тагача);

Б) 7 ёшгача бўлган боғча ёшдаги болалари гуруҳлари (1 гуруҳда 25 та бола).


Махсус турдаги болалар муассасалари ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Болалар уйлари (ота-онасидан ажралган болалар учун).
2. Санитария соғломлаштириш (юқумли касалликлар билан касалланган болалар) уйлари.

3. Махсус (юраги порог, кўзи ожиз, ақли заиф болалар учун) муассасалар. Болалар муассасалари сиғимига қараб қуйидаги турларга бўлинади: кичик сиғимли—4 та гуруҳ; ўрта сиғимли—5–8 та гуруҳ; катта сиғимли—9–14 та гуруҳ. 14 та гуруҳдан ошган БМ комплекс ҳисобланади.

Сиғимига қараб ҳозирги замон меъёрларга асосан БМ 6 та турдан иборат, яъни улар 50, 95, 140, 190, 280, 330 ўринли бўлиб, мос равишда, 2, 4, 6, 8, 12, 14 та гуруҳга тўғри келади. 560–660 ўринли БМ болалар ясли–боғча комплекси ҳисобланиб, 24–28 та гуруҳдан иборат бўлади (2–расм) [20].

Ўтган асрнинг 50-йилларигача болалар яслиси ва боғчаларини биргаликда (бир бинода) қуриш кенг тарқалган эди. Ясли–боғчаларнинг биргаликда қурилиши уларни алоҳида қуришдан кўра қулайроқ ва тежамлидир. Болалар ясли–боғчаларининг сиғимини аниқлашда аҳолининг ҳар 1000 тасига 120 ўрин белгилаш кўзда тутилади [7].



2–расм. 280 ўринли болалар муассасаси ҳудудини ландшафт ташкил қилиш схемаси: 1–боғча–ясли биноси; 2–кириш хиёбони; 3–хўжалик ҳовлиси; 4–ясли гуруҳи болалари учун майдон; 5–катта болалар учун майдон; 6–ўйин учун майдон; 7–айвонлар.

Болалар муассасаларининг шаҳарда жойлашиши. Шаҳарларда 140 ўринли, шаҳар типдаги аҳоли марказларида 90 ўринли ва қишлоқ шароитида эса 25 ўриндан кам бўлмаган БМ жойлаштириш тавсия қилинади [7]. БМ ининг оммавий типлари асосан микрорайонларда жойлаштирилиб, шу микрорайоннинг ўзига хизмат қилади. Қўшилган ясли-боғча биноси учун хизмат кўрсатиш доираси 300 м ни ташкил этади. Суткали, ҳафтали БМ (интернатлари) туман, кичик шаҳар, қишлоқ ёки посёлка миқёсида қурилиб, болалар турадиган жойга алоқаси бўлмаслиги мумкин, шу сабабли улар учун хизмат қилиш доираси белгиланмайди.

БМ нинг оммавий типлари микрорайонларда, алоҳида ажратилган кўкаламзор ерларда ва умумий таълим мактаблари қурилган ҳудудларда жойлашиши керак.

БМ ни шаҳар чегарасига ва туман магистрал кўчаларига яқин жойлаштириш тавсия этилмайди. БМ лари қизил чизикдан 15 метр ташлаган ҳолда жойлаштирилиши, асосий хоналар (ўйинхона, ошхона ва гуруҳ хоналари) жанубга ёки жанубий–шарққа ва шарққа қараб жойлашиши керак. Болалар хоналарини шимолга, шимолий–ғарбга, шимолий–шарққа қаратиб қуриш тавсия этилмайди. Бизнинг шароитда 40 ўринли болалар хонасини ғарбга ва жанубий–ғарбга қаратиш мумкин эмас.

Умум таълим мактаблари. Умумий таълим мактаблари биноларининг типлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг қарорларига мувофиқ белгиланади. Мактабларнинг асосий типи–бу болалар 7 ёшдан бошлаб 1–9–синфларда ўқитиладиган 9 йиллик таянч мактаблардир [3].

Умумий ўрта таълим мактабларининг сиғими, яъни қанча ўқувчига мўлжалланиши синфларнинг 35 боладан (келгусида 30 иштирокчидан кўп бўлмаган ҳолда) ташкил топиши ва ўқитиш муддатини 9 йилга белгиланишидан келиб чиққан ҳолда аниқланади, бунда 1–9–синфларнинг сони мактаб ёшидаги болаларнинг 100% ни қамраб олишни ҳисобга олган ҳолда (посёлка ёки шаҳар микрорайони аҳолиси ёши бўйича таркибининг асосий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда) белгиланади [7]. Мактабнинг максимал сиғими қоидага кўра 36 та синфдан ошмаслиги лозим, яъни 9 та синфдан иборат бўлган 4 та оқим. Шаҳарларда кўп қаватли бинолар шароитидан келиб чиққан ҳолда 2–3 та мактабдан ташкил топган мактаб комплексини яратишга рухсат этилади.

Мактаб тармоқларини ҳисоблаш посёлкалар, шаҳарлар, туманлар аҳолисининг демографиясига мувофиқ равишда мактаб ёшидаги болаларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Мактабларнинг жойлаштирилиши ўқувчиларнинг пиёда қатнаши учун

кулай бўлиши керак. Қишлоқ жойлари учун мактабларнинг меъёрий пиёда транспорт катнови 30 минутдан кўп бўлмаслигини таъминлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, мактаб интернатлар ёки мактаб қошидаги интернатларнинг ташкил этилиши кўзда тутилиши лозим [3].

Интернатларда яшовчиларнинг сони лойиҳалаштиришнинг топшириқномаси орқали белгиланади.

Мактаблар асосий хоналари, яъни синфлар ва кабинетларнинг жанубий ва жанубий–шарқий ориентацияси кўзда тутилиши зарур, тасвирий санъат, чизмачилик ва информатика кабинетлари учун шимолий ориентация маъқулроқдир.

Шимолга ориентациялашни бошланғич синфлар ва биология лабораториясидан ташқари, бошқа ўқув кабинетлари ва лабораториялар учун ҳам қўллаш мумкин.

Деразалар қаратилган ориентациясида исиб кетишнинг олдини олиш ва ўқув жойларининг тўғри инсоляциясини таъминлаш учун қуёшдан ҳимоялаш кўзда тутилиши керак. Қуёшдан ҳимояланиш қурилмаларини танлаш маҳаллий шароитлар бўйича лойиҳага асосан белгиланади.


Ошхоналарнинг иссиқ цехлари учун шимолий ориентация маъқулроқдир. Кам қаватли (бир ва икки қаватли) мактаблар учун қуёшдан ҳимояланишни кўкаламзорлаштириш тадбирлари орқали таъминлаш мумкин (дарахтлартни бино деразаларидан 10 м дан кам бўлмаган масофада ўтказиш талаб қилинади).

Ер участкаларига қўйиладиган талаблар. Мактаблар ва интернат мактаблар ер участкаларининг жойлашиши ва ўлчамлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари –ШНҚ 2.01.07 га мувофиқ қабул қилинади [11].

Мактаблар ва мактаб-интернатларнинг ер участкаларида: жисмоний тарбия–спорт; ўқув–тажриба; дам олиш ва хўжалик зоналари каби асосий функционал зоналарнинг кўзда тутилиши тақозо этилади.

Мактаблар ва мактаб-интернатлар кўкаламзор участкаларининг майдони участка майдонининг 30–40% ини ташкил қилиб, кўкаламзор

майдонга дам олиш, жисмоний тарбия ва ўқув тажриба зоналарининг кўкаламзор майдонлари ҳамда химоя полосалари ва мактаб участкаси атрофидаги яшил тўсиқлар ҳам киради (3–расм).



3–расм. Мактаб ҳудудининг режа: 1–мактаб биноси; 2–спорт ядроси;
3–гимнастика майдони; 4–баскетбол майдони; 5–югуриш ва бошқа ўйинлар
майдони; 6–кичик ёшдаги мактаб болалари майдони; 7–дам олиш майдони;
8–зообурчак; 9–меваги бог; 10–ҳовли.

Меъморий-режавий ечимларга қўйиладиган талаблар. Мактаб, мактаб–инернатлар ва мактаб қошидаги интернат биноларидаги хоналарнинг таркиби ва майдони функционал-ташкилий ва педагогик талаблардан келиб чиққан ҳолда ўқув режасидаги ўқув хоналарининг соатбай юкламасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблашлар орқали аниқланади (3–расм).

Мактаб таркиби қуйидаги хоналар гуруҳларидан иборат [20]:

а) бошланғич мактаб учун (I–IV синфлар), меҳнат қилишга ўргатиш жойлари, узайтирилган кун учун универсал хоналар, рекреация, ҳожатхона, вестибюл гардероби билан;

б) асосий мактаб учун (V–IX синфлар), ўқув хоналари ва лабораториялар, меҳнатга ўргатиш устахоналари, профориентация хоналари;

д) мактаб учун умумий бўлган жойлар: ўқув–спорт ва мажлис зали, кутубхона, маърифат–маънавият хоналари, клуб–тўғарак ва умумий фаотият учун хоналар, ошхона, бошқарув-хўжалик ва тиббий хизмат кўрсатиш хоналари, рекреация, ҳожатхона, вестиюбл гардероби билан.

Мактаб-интернатларда мактаб хоналари ва интернат блоки кўзда тутилади, интернат блоки иштирокчиларининг яшаши учун хоналарни, шунингдек, ухлаш, маиший-маданий хоналар, тиббий изолятор ва бошқа хоналарни ўз ичига олади.

Мактаб ва мактаб–интернат бинолари ҳажмий-режавий тузилмасига (структурасига) қўйиладиган қуйидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим:

а) ўқув хоналари ўқувчиларнинг ёши ёки предметли белгиларига қараб ўқув секцияларига гуруҳланиши лозим; қоидага кўра биринчи қаватда жойлашган I–IV синфлар учун ўқув секцияларида, саккиздан ортиқ бўлмаган синф хоналарининг меҳнат қилишга ўргатадиган устахона, узайтирилган кун учун универсал хона, рекреацион хоналар ва ҳожатхона кўзда тутилиши лозим; I–IV синфларга мўлжалланган ўқув секциялари иштирокчиларининг бошқа ёшдаги гуруҳларга ўтиш жойи бўлмаслиги лозим;

б) I–IV синфлар учун мўлжалланган ўқув секциясига ўқув кабинетлари, лабораториялар, ўқув устахоналари, рекреация хонаси ва ҳожатхона киради; ҳожатхонани ўқув секциясидан ташқарида жойлаштиришга рухсат берилади.

Меҳнатга ўргатиш ва касбга йўналтириш хоналари. Меҳнатга ўргатиш ва касбга йўналтириш хоналарининг юзаларини 2–жадвалга мувофиқ қабул қилиш тавсия этилади. Меҳнатга ўргатиш хоналарини, қоидага кўра, шовқин чиқарувчи манбалар бўлганлиги учун овқатланиш

ёки залли хоналар билан блоклаштириш тавсия қилинади. Ёғочни қайта ишлаш устахонасидан ҳамда металл ва ёғочни қайта ишлайдиган комбинациялашган устахоналардан ташқарига бевосита ёки синфлар, ўқув хоналари ва лабораториялар орқали чиқиш эшиклари бўлмаса, устахона туташган коридор орқали ташқарига чиқиш имконини яратиш зарур.

Мажлис залидаги ўринлар сони бинонинг ҳисобий сиғими бўйича шаҳар мактабларида 20–25 %, қишлоқ мактабларида 30–35 %, мактаб интернатларда эса 50 % жойни кўзда тутиши керак.

Реконструкция шароитида мажлис залининг сиғимини камайтиришга рухсат этилади. Зал майдони лойиҳалаштириш топшириғига биноан аниқланади.

Мажлис залининг майдони залдаги битта ўринга 0,65–0,72 м² юза ҳисобида қабул қилинади; 630 иштирокчидан кам бўлмаган мактабларда залдаги битта ўрин юзасини 1 м² гача оширишга рухсат этилади. Мажлис залида видеокўрсатув учун (киноэкран билан бирга) қурилма кўзда тутилади.

Кутубхона 20 минг бирликни сақлаш фонди билан битта хона кўринишида ташкил этилади (ўқув зали ва китоблар сақланадиган зоналар 2:1 нисбатда бўлиши лозим). Кутубхона хоналарининг юзаси 4-жадвалга мувофиқ қабул қилинади. Фаолияти давом этаётган пайтда мактаб биноси реконструкция қилинса юзаси камайтирилган кутубхонани қўллашга рухсат этилади, бироқ юза 30 м² дан кам бўлмаслиги лозим.

Кутубхона блоки хоналарида мактаб сиғимига боғлиқ ҳолда юзаси 36-60 м² бўлган “Маънавият–маърифат” хонасини кўзда тутиш талаб этилади.

Рекреация, дам олиш хоналари. Ёзги рекреациялар майдони (лоджиялар, терассалар, ички ҳовлилар) лойиҳалаштириш топшириғига асосан белгиланади. Рекреацияларнинг эни 2,8 м дан кам бўлмаслиги лозим; ўқув хоналарининг икки томонлама жойида рекреацияни эни

3,2–4 м бўлиши тавсия этилади. Зал типигаги рекреациялар нисбатан маъқулроқ ҳисобланади.

Дам олиш ва дарс тайёрлаш хоналарининг майдонини яшовчилар умумий сонининг 50 % и бир нафар иштирокчига 1,25 м² тўғри келишини ҳисоблаб, қабул қилиш тавсия этилади.

Ўқув–спорт машғулотлари учун мўлжалланган хоналар. Ўқув–спорт залларининг ўлчамлари бир нафар иштирокчига 0,9 м² тўғри келиши ҳисобида, 5–жадвал бўйича ҳисобланган меъёрларга мувофиқ қабул қилинади. Йирик мактаблар учун иккита спорт зали ёки битта катта зал (540 м²/30х 18) тавсия этилади. Залнинг том ёпилмаси конструкциясининг пастки қисми (оралиқ ёпилма) гача бўлган баландлиги: 9х18 м лик залда– 5,4 м, 12х24 м ва 30х18 лик залларда 6 м дан кам бўлмаслиги лозим. Спорт залини ўқув хоналари устига жойлаштирмаслик талаб этилади. Ўқув хоналари секцияси ёки ухлаш секцияси орқали спорт залига ўтишнинг лойиҳада кўзда тутилишига руҳсат этилмайди.

Спорт залларида ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида ечиниш-кийиниш хоналари, душ ва ҳожатхоналар кўзда тутилади. Ўлчамлари 12х24 м (ёки 9х18 м) бўлган спорт залларда ечиниш–кийиниш хоналарининг юзаси 42 м² (21х2) дан кам бўлмаслиги; 2 та спорт зал бўлганида эса ечиниш-кийиниш хоналарининг юзаси 84 м² (42х2)дан кам бўлмаслиги зарур.

Спорт залларида ўлчамлари 12х24 м бўлган зал учун юзаси 16 м² дан кам бўлмаган ва ўлчамлари 30х18 м бўлган зал учун юзаси 20 м² дан кам бўлмаган снаряд майдони; юзаси 8–12 м² бўлган мураббийлар хонаси кўзда тутилиши лозим.

Академик лицейлар ва касб–ҳунар коллежлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим тизимини ва кадрлар тайёрлашни тубдан ислоҳ қилиш, келажак авлодни тарбиялаш” ҳақидаги фармонида Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлаш тайёрлаш миллий дастурини

ҳаётга татбиқ этиш давлат сиёсати даражасидаги йўналиш ҳисоблансин, дейилган.

Таълим тизимини тубдан ўзгартиришни амалга ошириш бу соҳадаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш учун таълим муассасаларида хизмат қилаётган ходимларнинг энг долзарб вазифалари қабул қилинаётган ҳужжатларнинг аҳамиятини кенг жамоатчилик томинидан чуқур англаб етиши учун зарур шароитларни яратиб беришдан иборат. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади—таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий—ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини яратишдир. Миллий дастурнинг мақсади ва вазифалари Республикамизда босқичма-босқич изчил тарзда амалга оширилди:

Биринчи босқичда (1997–2001 йй.) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳуқуқий, илмий—услубий, моддий—молиявий шароитлари, бу дастурни ислоҳ қилиш ва амалдаги мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаган ҳолда ривожлантириш учун ҳуқуқий, илмий—услубий, моддий—молиявий шароитлар яратилди.

Иккинчи босқичда (2001–2005 йй.) миллий дастурнинг кенг қамрови амалга оширилди, орттирилган тажрибалар инобатга олинган ҳолда унга тегишли ўзгартиришлар киритилди, меҳнат бозорини ва реал ижтимоий—иқтисодий шароитлар ривожлантирилди. Умуммажбурий ўрта ва ўрта махсус таълимга, шунингдек, ўқувчиларнинг имкониятлари ҳамда иқтидорларидан келиб чиққан ҳолда дифференциаллашган таълимга тўлиқ ўтиш амалга оширилди.

Учинчи босқичда (2005–ва ундан кейинги йиллар) мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий истиқболига мос равишда тўрежавийган тажрибаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштирилмоқда ва ривожлантирилмоқда.



4–расм. Замонавий лойиҳалар асосида қурилган лицей ва коллежлар.

4–а, б расмда 560 ўқувчига мўлжалланган академик лицей биносининг архитектуравий ечимлари берилган.

Ўрта махсус, касб–ҳунар коллежлари. Узлуксиз таълим тизимида умумий ўрта таълим базасидаги 3 йил муддатли мажбурий–ихтиёрий ўрта махсус, касб–ҳунар таълим йўналиши–академик лицей ёки касб–ҳунар коллежи ўқувчиларнинг ўз ихтиёрлари билан танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартига мос равишда ўрта махсус таълимни беради, узлуксиз интеллектуал ривожланишни таъминлайди, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган, дифференциаллашган, касбий йўналтирилган таълимни таъминлайди.

Академик лицейларда таълим олувчилар таълим йўналишини (гуманитар, техник, аграр ва бошқалар) танлаб олиш ва кейинчалик меҳнат фаолиятида ёки аниқ олий таълим муассасасида ўқишни давом эттириш мақсадида фанларни чуқурроқ ўрганиш, билим савияларини кўтариш ҳамда касбий билимларни шакллантириш имкониятига эга бўладилар.

Касб–ҳунар коллежлари давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касбий таълим беради; таълим олувчиларнинг бир ёки бир нечта танланган касблар бўйича мутахассисликларга эга бўлишлари, касбий иқтидорини, билим ва малакалари чуқур ривожлантирилади.

Касб–ҳунар коллежлари ўзининг жихозланиши, танланган педагогик таркибига, таълим жараёнининг ташкил этилганлигига кўра бир ёки ундан кўп замонавий касбларга эга бўлиш имконини беради ва ўқув фанлари бўйича чуқур назарий билимларни берадиган янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади.

Академик лицей ва касб–ҳунар коллежларининг битирувчиларига навбатдаги таълим босқичларида билим олиш ёки улар эга бўлган мутахассислик ва ихтисосликлар бўйича меҳнат фаолиятини давом эттириш ҳуқуқини берадиган давлат намунасидаги диплом тақдим этилади.

Ўрта махсус, касб–ҳунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун энг аввало қуйидагиларни амалга ошириш зарур [20]:

- академик лицей ва касб–ҳунар коллежлари фаолият юритишлари учун меъёрий базани ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- олий таълим муассасаларидаги малакали педогогик кадрларни, саноат, фан ва маданият соҳаларидаги мутахассисларни жалб этган ҳолда,

ёш мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, чет элларда тайёрлашни ҳамда қайта тайёрлашни амалга ошириш;

- ўрта махсус, касб–ҳунар таълимининг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

- ўрта махсус, касб–ҳунар таълим муассасалари учун касбий таълим дастурларини, ўқув–услубий мажмуаларни (комплекс) ишлаб чиқиш;

- академик лицейлар ўқувчиларининг меҳнат фаолияти давомида малакаларини оширишлари учун ихтисослаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

- касб–ҳунар коллежларида тайёрланаётган мутахассислар учун мутахассисликлар ва касблар бўйича квалификациян (малакавий) талаблар рўйхатини ишлаб чиқиш;

- демографик ва географик ҳудудларда оқилона жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб–ҳунар, умумтаълим муассасалари тизимининг яратилиши ҳамда ўқувчиларни оиладан ажратмаган ҳолда қамраб олинишини, шунингдек, жойлардаги тегишли касб мутахассисларига бўлган талабларнинг қондирилишини таъминлаш;

- академик лицейлар ва касб–ҳунар коллежларининг моддий-техник ҳамда ахборот базасини мустаҳкамлаш.

Касб–ҳунар коллежларидаги асосий таълим йўналишлари халқ хўжалигининг ривожланиш соҳаларига мос тушиши зарур, яъни:

- 1) саноат, транспорт, алоқа (оғир ва энгил саноат, машинасозлик, асбоб–созлик, темирйўл транспорти, алоқа ва бошқалар);

- 2) қурилиш ва коммунал хўжалик (қурилиш, архитектура, қурилиш мажмуалари, қурилиш материаллари, биноларни эксплуатация қилиш корхоналари ва бошқалар).

Олий таълим муассасаларини жойлаштириш ва уларнинг ер участкаларига бўлган талаблар. Олий таълим муассасаларини шаҳарсозлик нуқтаи–назаридан жойлаштиришни Республикамизда ишлаб

чиқарилган ШНҚ 2.07-01 шаҳар қурилиш талабларига мувофиқ амалга ошириш зарур [7]. Шу билан бирга янги қуриладиган бино ва иншоотларни электр, сув, газ билан таъминлаш ва марказий канализация тармоқлари манбаларига уланиш имкониятларини инобатга олишни кўзда тутиш зарур.

4 минг ва ундан кўп талабага мўлжалланган катта олий ўқув муассасаларини ва ўзининг таркибида катта миқдордаги махсуслаштирилган объектлар, лабораториялар, конструкторлик бюrolари, клиникалар, полигонлар, тажриба участкаларини қамраган майдонларни, шу билан бирга туркумлаштириш талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамма керакли объектларни шаҳарнинг четки ҳудудларида жойлаштириш зарур.

Қишлоқ хўжалик йўналиши бўйича (тажриба хўжаликларига эга) олий таълим муассасасини шаҳар четидаги, одатда, шаҳар чегараларига тақалган зоналарда жойлаштириш керак бўлади. Олий таълим муассасасининг ер участкалари магистрал кўчалар билан кесишмаслиги, участкада пиёда юрувчилар ва транспорт оқими бўлишни кўзда тутиш зарур.

Олий таълим муассасаларининг ер майдони аниқ шаҳар қурилиш шартларига мувофиқ, ШНҚ 2.07.01 ни инобатга олган ҳолда аниқланади. Участкаларни ўраб олиш маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда кўзда тутилади.

Ўқув полигонлари ва тажриба хўжаликларини ўқув юртларидан, уларни тегишли ишлаб чиқариш корхоналари билан бирлаштирган ҳолда алоҳида жойлаштиришга рухсат этилади. Ўқув полигонларини ишлаб чиқариш, тажриба участкаларини ва бошқа махсуслаштирилган объектларнинг ер майдони лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ технологик талаблар асосида аниқланади [3].

Олий ўқув муассасаларининг ер участкаларида қуйидаги: ўқув ва илмий текшириш бўлимлари, овқатланиш, савдо-маиший ва хизмат кўрсатиш (соғломлаштириш-тиббий хизматлар), спорт, хўжалик-техник

зоналар белгиланган (ётоқхона, ўқувчилар таркиби учун уйлар ажратган ҳолда зоналаштиришни кўзда тутиш лозим). Насос хоналар, таъмирлаш устахоналари, гаражлар ва омборларни хўжалик зоналарида жойлаштириш зарур. Спорт зоналари, одатда, ўқув зоналарининг ёнида жойлашиши керак.

Олий таълим муассасаси ер участкаларини кўкаламзорлаштириш энг камида умумий майдоннинг 35% ини ташкил этиши зарур. Ўқув бинолари ва илмий–текшириш фаолияти учун бинолар магистрал кўчаларнинг ҳаракатланиш қисмларидан энг камида 50 м узоқлаштирилган, бошқа ҳолларда эса маҳаллий аҳамиятга эга кўчаларнинг ўтиш қисмларидан энг камида 25 м узоқда бўлиши керак.

Олий ўқув муассасаларининг илмий–текшириш бўлимларини, одатда, ўқув бўлимлари билан бир мажмуада жойлаштириш тавсия этилади.

Махсуслаштирилган илмий–текшириш лабораториялари, тажриба полигонлари ва бошқа объектларни ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларига тегишли технологик талабларга тааллуқли санитария меъёрлари ва атроф–муҳитни муҳофазалаш талабларига мувофиқ жойлаштириш зарур.

Тиббиёт олий таълим муассасалари ёнида, одатда, поликлиника ва стационарлар корпуслари учун клиник зоналар ажратилади.

Очиқ спорт иншоотлари мажмуаларида ташқи ҳожатхоналар, ободонлаштирилган майдончалар, сув ичиш фавворачалари бўлган дам олиш майдонлари ва бошқа ободонлаштириш ишлари (электр ёритиш, тегишли қопламалар, кўкаламзорлаштириш, сув билан суғориш ишлари)ни кўзда тутиш лозим.

Очиқ спорт иншоотларини ўқув лабораториялари, кутубхона, илмий–текшириш хоналарининг деразалари томонидан жойлаштириш тавсия этилмайди; айтиб ўтилган хоналарнинг деразалари билан спорт иншоотларининг орасидаги масофа 50 м дан кам бўлмаслиги керак.

Тегишли масофани таъминлаб бўлмаган ҳолатда шовқиндан ҳимоя қилиш учун турли қурулмаларни ишлатишни, талабга жавоб берувчи чораларни ҳаракатдаги санитария ва қурилиш меъёрларини инобатга олган ҳолда ҳал қилиш зарур.

Ўқитувчилар учун ётоқхона, меҳмонхона ва турар жойлар умум «турар жой» зонасида, яшаш зоналарида лойиҳалаштириш меъёрларига мувофиқ, жойлаштирилиши лозим. Ётоқхона алоҳида жойлаштирилганда унинг ўқув зонасидан узоқлиги 30 минутлик йўлни ташкил этиб, транспорт ёки пиёда юриш имконияти бўлиши керак.

Ўқув илмий-текшириш, олий таълим муассаса участкаларининг маъмурий жамоа корпусларининг охирида автотурар жойлар кўзда тутилиши зарур (минг одамга 15 машина ўрин ҳисобидан талабалар, ўқитувчилар, курс тингловчилари ва бошқалар учун) [8].

Олий таълим муассасасини ўраб олган участкада энг камида иккита кириш жойи кўзда тутилиши зарур. Бинолар атрофида ўт ўчириш машиналари учун айланиб ўтадиган йўллар кўзда тутилиши лозим (бино деворидан 5 м нарида).

Олий таълим муассасасини шаҳар атрофи зонасида жойлаштирилишида 3 км узоқликдаги ўт ўчириш депосидан фойдаланишга имкон бўлиши зарур.

Бир нечта олий таълим муассасаларини ёнма–ён жойлаштиришда, одатда, умумий турар жой ва спорт зонаси, умумий клуб, кўргазма мажмуалари, умумий поликлиника, соғломлаштириш мажмуасини кўзда тузиш зарур.

Асосий хона ва биноларнинг меъморий–режавий ечимларига қўйилган талаблар. Олий ўқув юртлари биноларининг меъморий–режавий ечимлари амалдаги меъёрлар (ШНҚ 2.08.02 ва бошқалар) талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ўқув ва лаборатория корпусларини 4 қаватдан кўп бўлмаган ҳолда лойиҳалаштириш зарур. Маъмурият учун белгиланган ректорат корпусини 9 қаватгача лойиҳалаштириш мумкин.

Факултетларни, ректоратларни, кутубхона, тантаналар ва спорт залларни алоҳида биноларда жойлаштириш рухсат этилади. Айрим ўқув корпусларининг ўртасида ошхона, кутубхоналар, иситилмайдиган ўтиш йўллари кўзда тутилиши мумкин.

Био қаватларининг баландлиги ШНҚ 2.08.02 талабларига жавоб бериши керак [11]. Сигими 40 дан 72 ўрингача бўлган аудиторияларнинг баландлигини полдан шипгача энг камида 3,6 м; сигими 75–100 ўринлик–энг камида 4,2 м, сигими 100 ўринлик намоёйиш қилиш учун катта экранли маъруза залларининг баландлиги технологик талабларга мувофиқ 4,5–6 м бўлиши керак.

Олий ўқув муассасаларининг таркибига ўқув кабинетлари, аудиториялар, лабораториялар, маъмурий–хўжалик ва техник хоналар билан бир қаторда кутубхона маълумотлар маркази, спорт заллари ва спорт машғулотлари учун хоналар, буфет ва ошхоналар, тантаналар заллари, клуб заллари ва ижодий, бўш вақтларда фаолият кўрсатиш, тиббиёт ҳамширалик пунктлари киритилиши керак. Олий таълим муассасаларининг сигими ва хоналар юзаларининг технологик ҳисоб-китобини олиб боришда, турли даражали ўқувчилар, талабалар, магистрантлар ва стажер-тадқиқотчилар, деканатлар, кафедралар, ўқитувчи-профессорларнинг илмий фаолиятлари, ректоратлар, маъмурий хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар учун ўқув дастурлари инобатга олинади.

Олий таълим муассасаларининг асосий хоналари–ўқув аудиториялари ва кабинетларини, лабораторияларни, кутубхона хоналарини, кафедра хоналарини ва илмий текшириш бўлимларини, маъмурият бўлимларини ерусти қаватларда жойлаштириш керак.

Цокол қаватларида махсус белгиланган лабораторияларни (технологик асосларга ёндошиб), гардеробларни, спорт залларини ва тренажёр залларини, санузел, душхона, хўжалик хоналарини, ошхона хоналарини, савдо—маъмурий хизмат кўрсатиш ва бошқалар (ШНҚ 2.08.02 га мувофиқ) жойлаштиришга рухсат этилади.

Подвал қаватларида сув қувири ва канализация, насосхоналар, бойлер хоналари, вентилицион камералар, лифт машина бўлимларини жойлаштириш рухсат этилади.

Олий таълим муассасаларининг асосий хоналари тўғридан—тўғри табиий ёритиш ва ташқари томонга очиладиган фрамугали ойна (ричаг ёрдамида автоматик ёки дастак) орқали шамоллатиладиган бўлиши керак. Доимо одамлар тўрежавийадиган хоналарни тўғри ёки бурчак остида шамоллатиш, шунингдек. коридор орқали ёки ёндош хоналар орқали шамоллатилиши керак. Ўқув лаборатория хоналарининг полидан ойна ости қисмигача энг камида 80 см бўлиши керак. Ўқув хоналари, аудиториялар ўлчамини, ҳавони кондициялаш имконияти бўлмаганда, 1 одамга 5 м³ ҳажм ҳисобида олиш керак.

Спорт заллари ва хоналари, тантаналар зали ва бўш вақтлар учун клуб, студия хоналари, кутубхоналар ва ошхоналар, ўқув хоналари, кафедра ва деканатлар улардан самарали фойдаланишни кўзлаб жойлаштирилиши зарур.

Ўқув маъмурий ва илмий—текшириш ишлари ва маъмурий ишлар хоналари чап томонли табиий ёритишга эга бўлиши керак. Чап томонли табиий ёритиш камлик қилса, табиий қўшимча: ёнбош ёки юқори ҳамда қўшимча сунъий ёритиш кўзда тутилади.

75 ва ундан кўпроқ ўринли аудиторияларда, курс лойиҳаси ва диплом лойиҳалаштириш махсус кабинетларини юқори ёритиш зенитлари билан ёритишни кўзда тутиш зарур. Катта ўлчамли залли хоналарда икки томонлама табиий ёритиш, табиий шамоллатиш имкониятлари кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир. Сунъий ёруғлик билан ёритиш (табиий

ёритишсиз) кўзда тутилган китоб омбори ва кутубхоналарнинг каталог залларида, теле—студиялар, фотолабораториялар, гардероб, санузел ва душхоналарда (ҳожатхона ва ўқув лаборатория блоклари ва корпусларида) фавқулодда ёритиш, алоҳида манбадан ва автоном электр таъминлаш шароити кўзда тутилади.

Чизмачилик заллари, расм заллари, рассомлик, ҳайкалтарошлик хоналарининг деразаларини шимолий, шимол, шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий томонларга йўналтириш зарур.

Ўқув кабинетлари ва 75 ўриндан кичик аудиторияларни жанубий, жануби-шарқий томонларга йўналтирилиш тавсия этилади.

Лабораторияларнинг йўналишини технологик талабларга мувофиқ танлаш зарур. Қуёшдан муҳофазалаш қурулмаларини жойлаштиришни амалдаги технологик ва қурилишни лойиҳалаштириш меъёрларига мувофиқ кўзда тутиш лозим. Қуёшдан муҳофазалаш қурилмалари ёнмайдиган материаллардан ҳамда уларни ёнғиндан муҳофазалашда ҳалақит бермаслиги керак. Қуёшдан муҳофазалаш қурилмалари маҳаллий шароитларга мувофиқ аниқланади.

Бинолардан эвакуацион чиқиш коридорларининг кенглиги ШНҚ 2.01.02 талабларига мувофиқ бўлиши керак. Зинапояларнинг кенглиги ўқув лаборатория корпусларида 1,5 м қилиб олиш тавсия этилади.

Ўқув корпусларида коридорларнинг эни камида 2,2 м, рекреация учун фойдаланиладиган жойлар эни камида 2,6 м, кўпи билан 3,2–3,6 м бўлиши тавсия этилади.

Аудитория ва 50 ўриндан кўпроқ ўринли ўқув заллари, тантаналар ва спорт заллари, 50 ўринлик ва ундан кўпроқ ўринли томоша балконлари, ўқув залларининг антресоллари энг камида 2 та эвакуация чиқиш жойларига эга бўлиши керак. Аудиториялар ва зал хоналаридан эвакуация чиқиш жойлари бир вақтнинг ўзида 50 одамдан кўпроқ одамлар тўрежавийиш жойлари, ўқув ва хизмат кўрсатиш хоналари устидан ўтиши мумкин эмас.

100 ўринли ва ундан катта аудиторияларда аудитория столлари каторлари оралиғида ўтиш жойлари 0,6 м ҳисобидан ҳар 100 кишига, ҳар бир ўтиш жойларининг кенглиги энг камида 1,2 м ва 1,8 м дан катта бўлмаслиги керак.

Олий математика, чизма геометрия, материаллар қаршилиги маъруза машғулотлари учун 100-150 ўринли аудиторияларда, одатда, 36 м² препаратер хоналари кўзда тутилади.

Жисмоний тарбия аудиториялари қошидаги анжомлар хонасининг майдони лойиҳалаштириш топшириғи асосида кўзда тутилади.

Узлуксиз ҳолда ўрнатилган катордаги ўриндикларни жойлаштириш амалдаги (ШНҚ 2.08.02 бўйича) меъёрларга мувофиқ эвакуация талабларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш зарур. Қия курсили ўриндиклар, битта ўрин ҳисобида, ўлчамлари қуйдагича: кенглиги 0,55 м, ўтиргич баландлиги 0,45 м бўлиши керак.

Аудитория ва ўқув кабинетларида столларнинг ўлчамлари: узунлиги 60 см, кенглиги 50 см, баландлиги 75 см бўлиши керак. Столлар одатда икки ўринлик бўлиши кўзда тутитади.


Кутубхоналарни, одатда, 100% кундузги ўқув шаклини, талабаларнинг барчасини, магистрант ва кундузги ўқув стажерлар, профессор–ўқитувчилар таркибининг 100% и ва илмий ходимларни қамраган ҳолда лойиҳалаш зарур. Китоб фондининг бирлик сони техник, иқтисодий ва қишлоқ хўжалик олий таълим муассасаларида–100 та га, университетларда, педагогик, тиббий, маданий, санъат йўналишлари бўйича 125–150 та га яқин (кўрсаткичлар лойиҳалаштириш топшириғи билан аниқланади).

Кутубхоналар ўқув залларининг бир вақтнинг ўзида 10–12% ўқувчилар сифими ҳисобидан қабул қилиниши тавсия этилади.

Кутубхоналар таркибига, янги олинган китоб ва журналлар кўргазмаси учун хоналар, персонал компьютерлар, видеороликларни, аудио материалларни эшитиб кўриш учун хоналар киритилиши керак.

Кутубхоналар маъруза заллари билан таъминланган бўлиши керак (5–расм).

Маданият ва санъат олий ўқув муассасаларида ўқув-намойиш мажмуаларини, кейинчалик тижорат мақсадида фойдаланиш учун катта кўргазма залларини тузиш мақсадга мувофиқдир. Тантана заллари, талабалар клуб заллари, ўқув, театр–концерт залларини трансформациялаш имкониятини яратиш, эстрада ва сахналарни трансформациялашни амалдаги меъёрларига риоя қилган ҳолда лойиҳалаштириш тавсия этилади



5–расм. Тошкентдаги таркибида кутубхона биноси бўлган “Маърифат маркази” номли меъморий мажмуа. Умумий кўриниши ва кутубхона залининг интеръери.

Олий ўқув юртларининг кафедраларини, кафедра мудирлари кабинетларини 15–18 м² ҳисобида, ходимлар (ўқитувчилар) учун хоналарни битта штат бирлигига 5–8 м² ҳисобидан, услубиёт

кабинетларини 50–60 м² ҳисобида, кафедра хоналари юзалари ва таркибларини лойиҳалаштириш топшириғига асосан белгиланади.

Деканат, ректорат хоналари, бошқа маъмурий–хўжалик хоналарининг таркиби ва юзалари, штат жадвалига, лойиҳалаштириш топшириғи асосида амалдаги меъёрларни инобатга олган ҳолда кўзда тутилади. Бунда кўрсатилган хоналарнинг тахминий кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда майдонлари олий таълим муассасалардаги талабаларнинг ҳисоб сонидан (1 та талабаларга м² да, олий таълим муассаса талабаларининг умумий ҳисобидан) қуйидагича олинади [20]:

- 0,8 м²; таълим муассасасидаги талабалар сони 1000 дан 2000 гача;
- 0,7 м²; таълим муассасасидаги талабалар сони 2000 дан 4000 гача;
- 0,6 м²; таълим муассасасидаги талабалар сони 4000 дан 6000 гача;
- 0,5 м²; таълим муассасасидаги талабалар сони 6000 дан 10000 гача;
- 0,4 м²; таълим муассасасидаги талабалар сони 10000 дан 13000 гача.

Илмий–текшириш бўлимлари хоналарининг таркиби, кабинет ва лабораториялар секторлари, ёрдамчи хоналарнинг таркиблари штат жадвалига, амалдаги лойиҳалаштириш меъёрларига мувофиқ аниқланади. Ходимлар учун асосий хоналар 1 ишчи ўринга 6 м²; катта габаритлик жиҳозли лабораторияларда–8 м².

Спорт залларининг кўринишлари, ўлчамларини қуйидаги жадвалга мувофиқ қабул қилиш тавсия этилади.

Спорт заллари ва ёрдамчи хоналарини, бассейнларни амалдаги қурилиш меъёрлари асосида лойиҳалаштириш лозим.

Олий таълим муассасаларининг таркибига у ёки бу ёпиқ ёки очик спорт иншоотларини киритиш маълум шаҳар қурилиш шартлари бўйича лойиҳалаштириш топшириғи асосида аниқланади. Спорт залларини ўқув хоналари, кафедра хоналари, илмий секторлар, деканат ва ректоратлар устида жойлаштириш рухсат этилмайди.

Ошхона ва буфетларни жойлаштириш уларнинг сифими, турлари, маҳаллий шароитлар билан аниқланади. Овқатланиш жойларининг сифими ўқув юртларининг тахминан 20% ҳисобий сифими ҳисобидан (ҳамма ҳисобий контингентлар талабини, ўқитувчилар ва хизмат кўрсатиш персоналларни инобатга олган ҳолда) бўлилади. Ошхона ва буфетларни амалдаги меъёрларга (ШНҚ 02.08.02 ва бошқалар) биноан технологик асосларда лойиҳалаштириш керак бўлади.

Ошхоналар асосий ўқув корпуслари билан очик боғлиқликда бўлишлари мумкин. Ошхонадан ўқув ва ўқув ишлаб чиқариш корпусларигача бўлган масофа 300 м дан кўп бўлмаслиги керак.

15–50 ўринли буфетлар асосий биноларнинг турли қаватларида жойлаштирилиши мумкин.

Вестибюл ва гардероблар талабалар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва хизмат кўрсатиш персоналлар ҳисобий сонининг 1,2 коэффициент, вестибюллар гардероблари билан ҳисоб бирлигининг 0,25 кўрсаткичини инобатга олган ҳолда қабул қилинади.

Санитария узелларида 50 та эркакка 1 та унитаз ва 1 та писсуар ҳисобидан; 30 та аёлга 1 та унитаз ва 100 та аёл учун 1 та шахсий гигиена кабинаси кўзда тутилиши керак. Ҳар битта санитар узелининг таркибида, ўқитувчилар учун 1 кишига (эркак ва аёл) ҳожатхона ажратилиши зарур.

Чекиш хоналари (жойлари) табиий ёритиш ва табиий шамоллатишга эга бўлиши ҳамда майдони бир одамга 0,02 м² ҳисобидан (тахминий контингент) режалаштирилиши лозим.

Ўқув корпусларининг вестибюлларида ва ректоратда канцтоварларни, китоб рўзномаларини ва аптека молларини сотиш учун киоскалар кўзда тутиш рухсат этилади. Ўқув корпусларининг қаватларидаги рекреацияларини 1 та талабага 0,5 м² ҳисобидан қабул қилиш керак. Олий ўқув муассасаларининг турли йўналишлари бўйича ҳисобий сифими қуйидаги жадвалда келтирилган.

I–боб хулосаси

1. Жамоат бинолари учун, одатда, ҳудуди нисбатан текис ва шаҳар ёки аҳоли пунктининг асосий магистрал кўчаларига туташ ёки яқин жойлашган ҳудудлар ажратилади. Жамоат биносининг турига қараб, бундай ҳудудлар ҳар бир бино учун алоҳида ёки бошқа жамоат биносига туташ тарзда, яъни ёндоштирилган (блакировкаланган) тарзда ажратиб берилади.

2. Жамоат бинолари учун ажратилган ҳудудларда олдиндан шаклланган табиий ландшафт элементлари (дарахтлар, буталар, сув ҳавзалари, муайян қирликлар, қияликлар, ариқлар, табиий тошлар ёки шунга ўхшаш бошқа шакллар) бўлиши мумкин. Жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт ташкиллаштириш ёки таъмирлаш лойиҳаларини бажаришда ушбу мавжуд элементларни, яъни ҳудуднинг ландшафт ҳолатини пухта ўрганиб чиқиш талаб этилади.

3. Республикамиздаги жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш амалиётини таҳлил қилиш шунинг кўрсатдики, аксари ҳолларда бундай биноларга тааллуқли ҳудудлар учун алоҳида ландшафт лойиҳалари (дендролойиҳалар) ишланмайди, чунки бундай лойиҳалар учун одатда маблағ ажратилмайди. Маблағ ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун ажратилиб, бунинг учун тегишли лойиҳа, яъни ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бош лойиҳаси ишлаб чиқилади.

4. Бундай лойиҳани ишлаб чиқишда жамоат биноси учун қизил чизикларда ажратиб берилган ҳудуддаги мавжуд ландшафт ҳолати таҳлил қилинади. Яъни ҳудуднинг рельефи, қиялиги, ҳудуддаги мавжуд ариқ ва сув оқоваларининг йўли, ўсимлик дунёси (дарахт ва буталар, уларнинг ҳолати, турлари), табиий ва сунъий сув ҳавзалари, улардан фойдаланиш ва сақлаб қолиш даражаси, йирик табиий тошлар ва бошқа табиат элементлари ўрганиб, таҳлил қилиб чиқилади.

Бундан мақсад ушбу ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда мавжуд табиий ландшафт элементлари ва шаклларини максимал сақлаб қолиш, улардан бўлажак ландшафт композицияларини яратишда унумли фойдаланишдир. Агар ҳудудда ўтмишда экилган соғлом экзотик дарахтлар ва буталар, кўл ва мафтункор сув хавзалари бўлса улардан максимал фойдаланиш кўзда тутилади.

II–БОБ.
ТАЪЛИМ–ТАРБИЯ ВА СПОРТ БИНОЛАРИ
ХУДУДЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ–РЕЖАВИЙ ВА ЛАНДШАФТ
ЕЧИМЛАРИ

2.1. Болалар боғчаларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимлари

Болалар боғчаларининг ҳудуди функциясига кўра, болалар зонаси, гуруҳлар майдонлари, спорт майдончалари зонаси, хўжалик ва манзарали кўкаламлар зонасига бўлинади [10; 21].

Болалар боғчалари муассасаларининг ҳудудларини атрофидаги кўча ва ҳудудлардан қаторлаб тигис экилган, эни 5–6 метр бўлган дарахт ва буталар билан ажратиш керак. Бу боғча ҳудудини ташқи шовқин ва чанг тўзонлардан сақлаш имконини беради ва ташқи муҳитдан ҳолилаштиради. Боғча биноти ҳудудининг ички қисмидаги кўкаламзорлар мазкур ҳудуд муҳитини соғломлаштириш ва ҳудуддан қулай фойдаланиш имкониятини яратиши керак.

Болалар боғчаларида энг аввало фитонцидга бой қуюқ соя берувчи ўрта катталиқдаги дарахтлар, масалан дала клёни, япон сафораси, виргин можжевельниги, туя, багряник, липа ҳамда чиройли ва узоқ гуллаб турувчи тикони ва заҳари йўқ буталар, кўп йиллик ёрқин ва хушбўй гулларни экиш мақсадга мувофиқдир.

Боғчалар ҳудудидаги болалар гуруҳлари ва умумий фойдаланувчи майдонларни соя қилиш мақсадида усти ва ён томонлари ёввойи ток, пуэрария, клематис, текома ва бошқа чирмашиб ўсувчи ўсимликлар билан қопланган треляж ва перголаларни қўллаш маъқулдир [13].

Болалар гуруҳларининг майдончалари бир–биридан буталардан экилган яшил тўсиқлар билан ажратилиши керак. Яшил тўсиқларга қиртишлаш усулида геометрик шакллар ҳам берилиши мумкин (6; 7–расмлар).



6–расм. Болалар боғчаси ҳудудидаги ҳўжалик зонаси майдонининг кўриниши.



7–расм. Болалар боғчалари ҳудудидаги болалар ўйингоҳи зоналари [16].

Болалар боғчаларидаги гулзорлар, асосан, бинога кириш олдида, ота–оналар кутадиган жойда ва бино атрофларида бўлиши мумкин. Гулзорлар бир, икки ва кўп йиллик гуллар ва гулловчи буталардан шакллантирилиб, улар ўзининг чиройли ва қизғин гуллаши, гулларининг ёрқин ранглари ва ёқимли ҳиди билан ажралиб туриши зарур. Бир йиллик гуллардан сальвия, бархатцилар, петуня, астра, календула, хушбўй табакларни қўллаш мумкин. Икки йиллик гуллар ичида виола, маргаритка, незабудкаларга кўпроқ ўрин берилиши зарур. Кўп йиллик гулларни майсазорлар фондида манзарали буталар билан бирга экиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун аквилегия, лилия, делфиниум, ирис, пион, флокс, кўп йиллик астралар танланади. Трельяж ва перголалар учун тирмашиб ўсувчи лианлар–клематис, жимо-лость, каприфолларни, тик кўкаламзорлаштириш ва деворларга соя бериш мақсадида бешбаргли девичий виноград, текомалар, древогубецларни қўллаш мумкин [15].

Болалар гуруҳларининг майдончалари атрофига ва уларга яқин жойларга мевали дарахтлар экиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки болалар уларни пишмасдан, чанг ҳолида узиб олишлари ва пайҳон қилиш мумкин. Мевали дарахтларни алоҳида жойларга, жўя олиб қаторлаб экиш мумкин. Дарахтлар ва буталар экиладиган жойлар, гулзорларнинг атрофи ва болалар майдончалари ва дам олиш жойлари майсазор билан қопланиши зарур.

2.2.Мактаблар ва касб–ҳунар коллежлари ҳудудларининг меъморий режавий ва ландшафт ечимлари

Ўқув муассасалари қошидаги кичик боғлар талабалар ва ўқитувчиларнинг дам олишини самарали ташкил қилишга қаратилади. Булар университетлар, институтлар, лицейлар, коллежлар ва бошқалар қошидаги боғлардир. Улардаги ландшафт муҳитини ташкил қилиш қоидалари ва ҳудуднинг меъморий–ландшафт ечимлари ушбу

муассасаларнинг функционал талабларига бўйсиниши лозим. Бундай боғларда қуйидаги майдонларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир [15]:

- талабаларнинг дам олиш ва мулоқот майдончалари;
- мемориал майдон;
- умумий йиғилиш майдони;
- талабаларнинг байрам ва фестиваллар ўтказиш майдони.

Байрамлар ўтказиш майдони бирон–бир каттароқ спорт майдони, масалан, минифутбол майдони билан қўшилиши, яъни универсаллашиши мумкин. Талабаларнинг умумий йиғилиш майдони ҳар бир факультет ёки бўлимлар қошида бўлиши мумкин [16].

Ўқув муассасалари қошидаги кичик боғларда боғ экспозицияларини томоша қилиш, боғ майдонлари тизимини боғлаш учун ўтиш йўлаклари ва хиёбонлар ташкил этилиши зарур. Йўлаklar ва хиёбонлар, майдонларнинг ўлчамлари ҳаракатланаётган поток ва гуруҳлар ҳажмини, ҳаракатланиш масофаларини иложи борича қисқартиришни кўзда тутиши зарур. Ҳаракатланиш йўналишлари қаторлаб экилган дарахтлар билан белгиланиши ва ўз таркибига гулзорлар композициялари–рабаткалар, бордюрлар, клумбаларни киритиши мумкин. Барча хиёбон ва йўлаklar асосий ўқув комплексларига йўналтирилган ва майдонлар билан боғланган бўлиши зарур. Манзарали йўл тўшамаларини қўллашга ва уларни ёруғлантиришга ҳам эътибор берилиши зарур. Исталган кичик боғда юқори эстетик параметрлар (ранг, фактура, шакллар)га эга бўлган тўшамаларнинг бир нечта турларини қўллаш зарур.

Боғнинг бадиий ландшафт кўриниши гулзорлар ёрдамида, уларнинг мунтазам ва пейзаж усулидаги ечимларидан фойдаланиб яратилиши мумкин. Бундай ҳудудда миксбордерлар, альпинарияларни ҳамда сув ҳавзалари билан қўшилган рокарийларни жойлаштириш мумкин. Ўсимликларни жойлаштиришда ҳудуд инсоляциясини, яъни ҳудуд куннинг қайси соатларида кўп фойдаланилса уни ўша вақтларда соялаштиришга эришиш лозим.

Кичик боғларни гулзорлар билан безашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Кичик боғларда, қоидага биноан, гулзорларнинг кўп йиллик ва бир йиллик гуруҳларидан ҳамда ер ёпар ўсимликлардан фойдаланилади. Декоратив деворлар, перголалар ва трельяжлар билан муштарак тарзда чирмашиб ўсувчи ўсимликлар—“лиан”лардан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Бундай ҳолларда атиргул ва клематислар билан безатилган равоқ ва трапеция шаклидаги трельяжларни яратиш мақсадга мувофиқдир. Уларни нафақат кузатиб томоша қилиш, балки уларнинг остида ўтириб холи тарзда дам олиш ҳам мумкин, чунки улар катта манзаравий самара ва фазовий—ташкилий функцияларга ҳам эгадир.

Мактаб ҳудудларини тўғри ва қулай функционал зоналарга бўлиб ташкиллаштириш ландшафт ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда муҳим санитария—гигиеник ва ўқув—тарбиявий аҳамиятга эгадир. Айнан шу мақсадда мактаблар ҳудудининг ярмидан кўп қисми (55–60 %) кўкаламзорлаштирилиши зарур [17]. Танланадиган ўсимликлар ассортименти нафақат манзаравий эстетик ва биологик талабларга, балки турли хил дарахт ва буталардан ҳамда ўқувчиларга Ўзбекистон флорасини таништириш имкониятларига ҳам эга бўлиши керак. Бунинг учун йирик мактаблар қошида ўқув-тажрибавий биология ва дендрология боғчаларини, ўрта ва кичик мактаблар ҳудудида мевали боғ ва полизлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳудудларда ўқувчи—ёшлар манзарали ва қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва ўстириш тажрибаларига эга бўлиши билан бирга табиатга меҳр қўйиш ва уни ардоқлаш кўникмаларини ҳам эгаллайдилар.



8–расм. Замонавий мактаб биноси ҳудудининг ландшафт ечимим: а–тарҳдаги кўриниши; б–аксонометрияси [16].

Мактаблар ҳудуди қуйидаги функционал зоналарга бўлиниши зарур: ўқувчиларнинг таннафус ва дарсдан кейинги вақтларида дам олиш зонаси, жисмоний тарбия ва спорт зонаси, тинч дам олиш зонаси, хўжалик зонаси (8; 9–расмлар).

Мактаб ҳудуди атрофдаги кўчалардан бир ёки кўп қаторли тарзда экилган дарахтлар билан ажратилган бўлиши керак. Мактабга кириб келиш йўллари ва ички йўлаклар кенг шох–шаббали дарахтлар билан кўкаламзорлаштирилиши зарур. Мактаб биносининг деворлари жануб ва жанубий–ғарб каби қуёш тушувчи томонлардан қатор экилган дарахтлар билан тўсилиши керак. Бошқа ҳудудларда ва майдонларда кўп сонли мактаб болаларининг бўлиши ва ҳаракатига халақит бермайдиган дарахтлар экилиши мумкин. Тинч дам олиш зонасида эса дарахтлар тиғисроқ экилиши зарур. Бу ерда чирмашувчи ўсимликлар ва тоқлар билан ўралган пергола ва беседкалар ўрнатилиши маъқулдир.

Мактаб ҳудудидаги дам олиш зонасини кўкаламзорлаштириш учун қуюқ соя берувчи энига кенг ўсувчи, шох шаббаси ва барги тиғис

дарахтлар танланади. Дарсхоналарнинг дерезалари олдини тўсиб қўймаслик учун дарахтлар ва баланд буталарни бинодан муайян масофага экиш керак (10–расм). Дарахтлар оралиғи 5–10 м, буталар ораси 3–5 м бўлиши керак. Буталарни майса устида алоҳида ёки гуруҳлаб экиш зарур. Баланд бўйли буталарни (сирень, жимолость, калина, бульданеж) мактаб участкаси чегараларига яқин, ўрта ва паст буталарни (вейгела, форзиция, гребенщик, спирея) биноларга яқин экиш тавсия этилади [17].



9–расм. Мактаб ҳудудидини ободомлаштириш ва кукламзорлаштириш схемаси. Функционал зоналарнинг қурилиши: ўқувчиларнинг дам олиш зонаси–фасад олдида, жисмоний тарбия ва спорт зонаси–орқа фасад майдонида, юқорида айтилган икки зоналар ўртасида хўжалик зоналарини қўрилиши.

Мактабнинг олд қисми ва кириш жойларидаги ҳудудларни хвой типигаги дарахтлар (виргин можжевельниги, шарқ биотаси, кўк арча, магония) безайди. Мактаб ҳудудига тиконли буталар (бояришник, барбарис), меваси ва барглари захарли бўлган ўсимликлар (дафна, ёки волчье лыко, жимолостнинг айрим турлари, сумахлар)ни экиш ман этилади.



10–расм. Мактаб ҳудудидаги дам олиш ва спорт зоналарини қўқаламлаштиришда қуюқ соя берувчи, буталарни майса устуда алоҳида ёки гуруҳлаб экиш композицияси [16].

Гулзорларни, асосан, кўп йиллик ўсимликлардан шакллантириш тавсия этилади. Мактаб ҳудудидаги дам олиш зонасида миксбордер гулзорларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Унинг таркибидаги турли ўсимликлар йил давомида узлуксиз гуллаб яхши манзара бериши муқаррардир. Икки йиллик ва бир йиллик ўтли ўсимликлар ва гуллардан мактаб биноси фасади олдидаги клумбалар ва рабаткаларни

шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Мактаб ҳудудида бир йиллик гуллар тухуми тўғридан-тўғри гулзор тупроғига экилади. Шунда унинг ёппасига гуллаши мактабдаги ўқишнинг бошланиш даврига тўғри келади (11-расм).



11-расм. Ўзбекистон иқлимига мослаштирилган очиқ муҳитлар архитектураси. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг дам олиш ва жисмоний тарбия билан тўлақонли шугулланишлари учун яратилган энг қулай шарт-шароитлар.

2.3. Спорт бинолари ва комплекслари ҳудудларининг ландшафт ечимлари

Спорт иншоотлари ва комплекслари ҳудудларини меъморий-ландшафт лойиҳалаш ва кўкаламлаштириш ишлари ушбу иншоотларнинг ҳудудда қандай жойлашиши, ҳудуднинг меъморий-режавий ечими, ҳудуд рельефи, иқлими, тупроқ тури ва атроф-муҳит қурилиши ва ландшафтига боғлиқ ҳолда амалга оширилади (12-расм). Ҳудудга экиладиган ўсимликларни танлашда қуйидагиларга эътибор бериш зарур [21]:

- барги ялтирайдиган дарахт ва буталарни танламаслик;
- спорт майдонлари атрофига экиладиган ўсимликларни улардан майдонларга соя тушмайдиган қилиб жойлаштириш;

- тиконли ўсимликларни, ўзидан ҳавога кўп микдорда тухуми учиб юрувчи, мўл мева берувчи ва барглари тез тушувчи ўсимликларни қўлламаслик;

- ўсимликларнинг манзаравий имкониятларидан атроф четдаги нобоп кўринишларни ёпиш учун фойдаланиш.



12–расм. Спорт иншоотлари ва комплекслари ҳудудларининг замонавий меъморий-ландшафт ечими [16].

Спорт комплекс ҳудудидаги шовқин кучини пасайтириш, ҳаво таркиби ва унинг иссиқли ва намлик режимини яхшилаш учун махсус ўсимликлар экилади. Масалан, очик спорт иншоотлари ер майдонининг периметри бўйлаб ташқи шамол ва чанглардан ҳимояланиш мақсадида дарахт ва буталардан тузилган ихота экинлари шакллантирилади.

Унинг энини маҳаллий йўл ва кўчалар томонидан 5 м, магистрал йўллар томонидан эса 10 метргача белгиланади. Спорт комплекси ичидаги очик спорт иншоотлари атрофидан ҳам эни 3 м бўлган яшил полоса шакллантирилади [15].

Спорт комплекслар ҳудудининг балансини куйидагича қабул қилиш мақсадга мувофиқдир (% ҳисобида) [18]:

Спорт иншоотлари:

Ҳажмий иншоотлар	10–20
Текис иншоотлар	15–25
Проезд, пиёда йўллар, очик майдончалар	10–15
Хўжалик зонаси	2–5
Яшил кўкаламлар	40–60

Ҳар бир спорт иншоотлари гуруҳининг ўз яшил кўкаламлари бўлиши керак. Спорт комплекслари ҳудудини меъморий–ландшафт ташқиллаштиришда майсазорларнинг аҳамияти ва ўрни катта. Уларнинг дилни яйратувчи ям–яшил текис юзаси нафақат иморатларга, балки майсалар устига экилган дарахт ва буталар, гулзорларга ҳам яхши манзаравий фон бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари майсалар муҳитнинг микроиклимини яхшилашга ёрдам беради (13; 14; 15–расмлар) [16].



13; 14; 15–расмлар. Спорт мактаби комплексини ободонлаштириш лойиҳаси ва ландшафт ечими: ҳар бир қаватда алоҳида жойлашган энгил атлетика, гимнастика, волейбол ва баскетбол, кичик синфларнинг фаол ўйинларига жой ажратилган. Комплекс атроф муҳитида тинч дам олиш майдонлари, пиёда йўллар, очик майдончалар, хўжалик зонаси, яшил кўкаламлар мавжуд.

Агар майсазорлар умумий фойдаланувчи кўкаламлар ҳудудидан, одатда, 60% гача жой эгалласа, спорт иншоотлари ва комплекслари ҳудудининг 90 % гача ери майсазорлар билан банд бўлиши мумкин.

Спорт майсазорларини чим ётқизиш ёки майса тухумини экиш йўли билан яратиш мумкин.

Спорт комплекс ҳудуди мунтазам режавий ечимга эга бўлса унда хиёбонлар ва пиёда йўлакларини шакллантириш мумкин. Хиёбонларни кўкаламлаш уларнинг уфқ томонларига нисбатан ориентациясига кўп жихатдан боғлиқдир.

Спорт комплексларининг ландшафт архитектураси, юқорида таъкидлаганимиздек ташқи муҳит билан чамбар–час боғлиқдир. Яъни бу муҳит табиий манзаравий пейзаж-ўрмонзорлар, кўп қаватли тураржойлар–микрорайон ва дарё бўйлари, спорт комплекси биоларининг архитектураси ва комплексга тегишли майдонлар ландшафт ечимининг атроф муҳитга, рельеф ва иқлимий шароитларга боғлиқ бўлишлиги мақсадга мувофиқдир (16; 17; 18–расмлар).




16–расм. Спорт биноси ҳудудини ландшафт ташкил этишининг хорижий тажрибаси



17–расм. Спорт комплекслари ландшафт архитектурасининг ва таиқи табиий муҳит, жой рельефи ва иқлимига боғлиқ композицияси.



18–расм. Спорт комплекси ландшафт архитектурасининг таиқи табиий муҳит, табиий манзаравий пейзаж ва ўрмонзорлар муҳитига қўшилиб кетиши [16].



19–расм. Микрорайон жисмоний спорт паркларининг кўринишлари, ободонлаштириш майдонлари ва ландшафт ечимлари, уларни кўп қаватли тураржой-микрорайонлар очиқ муҳити билан боғлаш усуллари.



20–расм. Замолавий спорт комплекси ва унинг ландшафт ечими.



21–расм. Замолавий спорт комплекси ва унинг ландшафт ечими: юқоридан ва фронтал кеўринишлари.

II–боб хулосаси

1. Болалар боғчаларининг худуди функциясига кўра, болалар зонаси, гуруҳлар майдонлари, спорт майдончалари зонаси, хўжалик ва манзарали кўкаламлар зонасига бўлинади.

Болалар боғчаларида энг аввало фитонцидга бой қуюқ соя берувчи ўрта катталиқдаги дарахтлар, масалан дала клёни, япон сафораси, виргин можжевельниги, туя, багряник, липа ҳамда чиройли ва узоқ гуллаб турувчи тикони ва захари йўқ буталар, кўп йиллик ёрқин ва хушбўй гулларни экиш мақсадга мувофиқдир.

2. Боғчалар ҳудудидаги болалар гуруҳлари ва умумий фойдаланувчи майдонларни соя қилиш мақсадида усти ва ён томонлари ёввойи ток, пуэрария, клематис, текома ва бошқа чирмашиб ўсувчи ўсимликлар билан қопланган треляж ва перголаларни қўллаш маъқулдир.

Болалар боғчаларидаги гулзорлар, асосан, бинога кириш олдида, ота-оналар кутадиған жойда ва бино атрофларида бўлиши мумкин. Гулзорлар бир, икки ва кўп йиллик гуллар ва гулловчи буталардан шакллантирилиб, улар ўзининг чиройли ва қизғин гуллаши, гулларининг ёрқин ранглари ва ёқимли ҳиди билан ажралиб туриши зарур.

3. Ўқув муассасалари қошидаги кичик боғлар ландшафт муҳитини ташкил қилиш қоидалари ва ҳудуднинг меъморий–ландшафт ечимлари ушбу муассасаларнинг функционал талабларига бўйсиниши лозим.

Мактаблар ҳудуди қуйидаги функционал зоналарга бўлиниши зарур: ўқувчиларнинг таннафус ва дарсдан кейинги вақтларида дам олиш зонаси, жисмоний тарбия ва спорт зонаси, тинч дам олиш зонаси, хўжалик зонаси.

4. Мактаблар ҳудудининг ярмидан кўп қисми (55–60 %) кўкаламзорлаштирилиши зарур. Танланадиган ўсимликлар ассортименти нафақат манзаравий эстетик ва биологик талабларга, балки турли хил дарахт ва буталардан ҳамда ўқувчиларга Ўзбекистон флорасини таништириш имкониятларига ҳам эга бўлиши керак. Бунинг учун йирик мактаблар қошида ўқув-тажрибавий биология ва дендрология боғчаларини, ўрта ва кичик мактаблар ҳудудида мевали боғ ва полизлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳудудларда ўқувчи–ёшлар манзарали ва қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва ўстириш

тажрибаларига эга бўлиши билан бирга табиатга меҳр қўйиш ва уни ардоқлаш кўникмаларини ҳам эгаллайдилар.

5. Мактаб ҳудудидаги дам олиш зонасини кўкаламзорлаштириш учун қуюқ соя берувчи энига кенг ўсувчи, шох шаббаси ва барги тигис дарахтлар танланади. Дарсхоналарнинг деразалари олдини тўсиб қўймаслик учун дарахтлар ва баланд буталарни бинодан муайян масофага экиш керак. Дарахтлар оралиғи 5–10 м, буталар ораси 3–5 м бўлиши керак. Буталарни майса устида алоҳида ёки гуруҳлаб экиш зарур. Баланд бўйли буталарни (сирень, жимолость, калина, бульданеж) мактаб участкаси чегараларига яқин, ўрта ва паст буталарни (вейгела, форзиция, гребенщик, спирея) биноларга яқин экиш тавсия этилади.

6. Спорт иншоотлари ва комплекслари ҳудудларини меъморий–ландшафт лойиҳалаш ва кўкаламлаштириш ишлари ушбу иншоотларнинг ҳудудда қандай жойлашиши, ҳудуднинг меъморий–режавий ечими, ҳудуд рельефи, иқлими, тупроқ тури ва атроф–муҳит қурилиши ва ландшафтига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Спорт комплекслари ҳудудини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришда майсазорларнинг аҳамияти ва ўрни катта. Уларнинг дилни яйратувчи ям–яшил текис юзаси нафақат иморатларга, балки майсалар устига экилган дарахт ва буталар, гулзорларга ҳам яхши манзаравий фон бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари майсалар муҳитнинг микроиқлимини яхшилашга ёрдам беради.

7. Спорт комплексларининг ландшафт архитектураси, юқорида таъкидлаганимиздек ташқи муҳит билан чамбар–час боғлиқдир. Яъни бу муҳит табиий манзаравий пейзаж–ўрмонзорлар, кўп қаватли тураржойлар–микрорайон ва дарё бўйлари, спорт комплекси биноларининг архитектураси ва комплексга тегишли майдонлар ландшафт ечимининг атроф муҳитга, рельеф ва иқлимий шароитларга боғлиқ бўлишлиги мақсадга мувофиқдир.


III–БОБ.
МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ БИНОЛАРИ, ЁШЛАР МАРКАЗИ
ВА ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИ ХУДУДЛАРИНИНГ
МЕЪМОРИЙ–РЕЖАВИЙ ВА ЛАНДШАФТ ЕЧИМЛАРИ

3.1. Ҳокимликлар ва бошқа маъмурий–бошқарув бинолари
худудларини ландшафт ташкиллаштириш ечимлари

Маъмурий бинолар қошидаги кичик боғлар режавий ташкиллаштирилиши бўйича ўта оддий, мантиқий бўлиши ва аралаш режавий усулда лойиҳаланиши зарур. Мазкур боғлардаги кўкаламлар явойи табиат муҳити бурчаги тарзида ишланиб, боғда кўчма контейнерлар ёки мобил туваклар ҳам қўлланилиши мумкин. Тиғис ва тор ҳудудларда кўчма мўъжаз боғларни яратиш мақсадга мувофиқ. Улар турлича композициядаги гул туваклари, вазалар ёки гулловчи композициялардан ташкил этилган модулли мобил, яъни кўчма модулли композициялар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Кўчма боғлар ҳар хил поғона ва юзаларда яратилиши мумкин, бунинг учун махсус қурилмалар ёки баландлиги бир хил бўлмаган вазалар қўлланилади [10].

Маъмурий ва жамоат бинолари олдиларида, одатда, бош фасадлари томонидан кенг очиқ яшил муҳит–партерли сквер шакллантириш тавсия этилади. Агар бунинг учун этарлича майдон бўлмаса бош фасад ва бинога кириш йўлаклари олдида манзарали гулзор шакллантирилади. Унинг ечими турлича: партер усулида ёки клумба кўринишдаги гулзор бўлиши мумкин (22–расм) [16].

Бинонинг отмосткаси ва тротуар орасидаги энсиз, одатда, чўзинчоқ жойга 2–3 қатор қилиб бир йиллик ёки кўп йиллик гуллардан экилади. Бино деворига яқин қаторга бўйи баландроқ, тротуарга яқин қаторга эса пастроқ бўйли гуллар, масалан, хушбўй табак, бир йиллик астра ва алиссум ёки метельчатий флокс ва арабислар экилади.



22–расм. Маъмурий бинолар олдининг ландшафт ечимларига мисол.

Йўллар четидаги кенгрок ҳудудларга кўп йиллик ўсимликлардан миксбордер гулзор композициясини яратиш мумкин. Агар бунинг учун ўсимликлар тўғри танланса у эрта баҳордан то кеч кузгача гуллаб туриш имконини беради. Бундай гулзорнинг таркибига примула, флокс шиловидний, арабис альпийский, ирис гибридный, флокс метельчатый, кўп йиллик астра ўсимликларини кириши мумкин.

Агар бино қирликда, атроф муҳитдан тепароқ жойда қурилган бўлса, унинг олд қисмига табиий тошлар ва ўсимликлар билан безатилган рокарий ёки тиргак деворларларни шакллантириш, зинапоялар ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Агар бино унга ажратилган ҳудуднинг қуйи қисмида, яъни қизил чизиқдан анча ичкарида жойлашган бўлса, бино фасади ва тротуар орасидаги кенг майдонга майсазор устида 3–5 та дарахтдан гуруҳ композицияси, чиройли гулловчи буталар ва кўп йиллик гуллар экилади. Бу муҳитда бирорта декоратив бассейн ёки фаввора бўлишлиги унга яна ҳам самара беради, муҳитда ёқимли микроиклим яратади.

Маъмурий бинолар олдиларидаги ҳудудларнинг ечими кўпинча мунтазам режавий услубда, симметрик ўқ атрофидаги, такрорланувчи яшил ландшафт композицияларидан тузилиши мумкин. Бундай кўкаламзор

муҳитлар маъмурий бинолар, магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва бошқа жамоат бинолари олдиларидаги ҳудудларда ҳам бўлиши зарур [9].

Агар бино олдидаги майдон йирик бетон плиталар билан қопланган бўлса уни ҳам манзарали гуллар билан безатиш имконияти мавжуд. Бунинг учун кўчувчи гуллардан ёки вазалар ҳамда модулли туваклардан фойдаланиб бир йиллик гулзор вазалар ёки модулли боғ-чаман ташкил қилиш мумкин. Бунда гуллардан бегония клубневая, сальвия, майдагулли георгина, пеларгония, лобелияларни қўллаш яхши самара беради. Агар гул туваклар катта бўлса уларга кўп йиллик ўсимликларни ҳам экиш мумкин. Гул вазалари ва туваклар бир хил ёки турли ўлчамларда, бироқ бир тип ва рангдаги материалдан ишланиши шарт.

Жамоат биноларини кўкаламзорлаштиришнинг яна бир оддийроқ, бироқ самарали услубларидан бири-тик кўкаламзорлаштиришдир. Тирмашиб ўсувчи лианлар тик тиргаклар ёки деворлар бўйлаб кўкка интилиб, биноларга мафтункор манзара бериши мумкин. Тик кўкаламзорлаштиришда амур токи, Берландье токи, девичий виноград пятилистковый, Хитой глициняси, жимолость каприфоль, текома ва бошқаларни қўллаш мумкин.

3.2. Даволаш муассасалари ҳудудларини ландшафт ташкиллаштириш

Даволаш муассасалари қошидаги кичик боғлар ҳудуди даволаш комплексларининг функционал вазифаларига асосланган ҳолда аниқ зоналаштириб чиқилади. Кичик боғни қурилишнинг жанубий томонидан жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Боғнинг режавий тизими мунтазам ва пейзаж усулида бўлиши мумкин. Қайси режавий усулни танлаш ҳудуднинг рельефига, мавжуд яшил кўкаламларнинг жойлашишига ва бошқаларга боғлиқ. Боғ ҳудуди ташқи зарарли омиллардан яхши ҳимояланган бўлиши

керак. Даволаш муассасаларида кичик боғни шакллантиришдаги асосий омил—бу ўсимликлардир.

Кичик боғни кўкаламлаштириш учун ўсимликлар ассортименти уларнинг беморларга ижобий психологик таъсир қилишини ҳисобга олган ҳолда пухта ўйланиши керак. Бу ерда ташқи кўриниши тўғри геометрик (устунсимон, овал, шарсимон) ва эркин пейзажли кўринишдаги шаклларга эга бўлган дарахтлардан фойдаланилади. Улар турлича комбинацияларда қўлланилиши мумкин.

Дарахтлар ва буталардан ҳосил бўладиган ижобий таъсир омиллари уларнинг ташқи кўринишлари баландлиги, баргларининг ранглари, гуллаши ва мевалари, хушбўй ҳиди, барг ва шохларининг шивирлаши билан аниқланади. Маслан, тугал қисми тик кўринишли хвой навли дарахт ва буталардан шаклланган яшил массив (нотинч шарпалар ҳосил қилувчи ель обыкновенная, балканская, можжевельник обыкновенный) инсоннинг томоша қилиш қобилятини фойдали томонга қўзғатади, кайфиятни эса кўтаришга ёрдам беради [15]. Дарахтлар ва буталардан тузилган массив (клен—явор, сохта каштан, олхўри, черемуха ва бирючина обыкновенная) асаб зўриқишини пасайтиришга ва йўқотишга ёрдам беради ва ҳоказо.

Кичик боғ ландшафтидан соғломлаштириш мақсадида фаол фойдаланиш орқали боғнинг беморлар организмига ижобий таъсир кўрсатишга эришиш мумкинки, бунда табиий кичик боғ ўзига хос шифо маскани ролини бажариши шифохонада кўрсатиладиган табиий муолжаларга қўшимча соғломлаштириш воситаси тарзида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Даволаш муассасаларининг ҳудудларини кўкаламзорлаштириш даволанувчиларнинг соғлигини тиклашни ва дам олишини ҳамда атрофдаги кўчалардан келаётган транспорт шовқини ва чанг—тўзонлардан сақлашни ва ажратишни таъминлаши зарур. Шифохоналар эгаллаб турган ҳудуднинг 70–80 % кўкаламзорлаштирилиши зарур. Кўкаламзорларнинг деярли барча қисмларида соя—салқин таъминланиши керак. Кўкаламзор

худудлар очик ва ёпиқ яшил майдонлар тизимини яратиши зарур [15; 17] (23–расм).

Авваламбор шифохона худудининг чегараси бўйлаб ҳимоя мақсадида 2–3 қатор кенг ва тигис шохли дарахтлардан тузилган яшил тасма шакллантирилиши керак. Яшил тасманинг ички тарафидан унга ёнма-ён тарзда, одатда кузалмайдиган баланд тигис ўсувчи буталар экилиши керакки, улар худудни ҳимоялаши билан бирга ички муҳит манзарасини яхшилайдди. Шифохона худудидаги ички пиёда йўлаклар соя берувчи дарахтлар билан, биноларга кириш қисмлари эса ташқи шовқин, чанг ва газлардан ҳимояланиш мақсадида тирик яшил тўсиқлар билан кўкаламлаштирилади. Шифохонанинг инфекцион бўлими худудини бошқа даволаш бўлимларидан, хўжалик зонасини эса барча бўлимлардан яшил ўсимликлар ёрдамида ажратиш зарур [9].



23–расм. Даволаш муассасининг ландшафт ечими. Бино табиий пейзаж муҳитида шаҳарнинг техноген таъсирларидан четда жойлашган.

Ички муҳитни кўкаламзорлаштиришда солитер, гуруҳлар, партер ва куртиналар каби табиий ландшафт композицияларини қўллаш ва яратиш

беморлар учун катта эстетик ва рухий аҳамият кашф этади (24; 25–расмлар) [16].

Шифохоналар бош корпусларининг олдиларида соя тушувчи дам олиш жойлари ва манзаравий очик ландшафтли кўкаламзор майдон (партер ва гулзорлар, фавворалар) ташкиллаштирилиши зарур. Беморларни кўргани келганлар учун чирмашиб ўсувчи ўсимликлар–лианлар билан ўралган воишлар ўрнатиш ҳам яхши самара беради. Шифохона ҳудудидаги кўкаламлар кўпроқ хвой типигаги, ҳаво таркибини фитонцид ва ионлар билан бойитувчи, хушбўй ҳидли навларнинг танланиши мақсадга мувофиқ.



24–расм. Шифохоналар ҳовли муҳитидаги дам олиш жойлари, кўкаламзор майдон, партер ва клумбалар ландшафти.

Шифохона палаталарининг шимол ва шимолий шарқ томонларидан дарахт ва буталарни биноларга яқин экмаслик зарур. Бу жойларга яхшиси майсазор, буталардан ишланган гуруҳлар ва кўп йиллик гулзорларни

шакллантириш керак. Жануб ва жанубий ғарб томонлардан эса аксинча, биноларни қуёшнинг иссиқ офтобидан, палаталарнинг ёзда ҳаддан зиёд исиб кетишидан сақлаш мақсадида деразалар олди соялаштирилади. Бино деворидан 5–6 метр масофага қуюқ соя берувчи ва баланд ўсувчи дарахтлар (липа, клён, топол кабилар) экилади [19]. Шифохона ҳудудида беморларнинг тинч дам олиши ва очиқ ҳавода сайр қилиши учун алоҳида йўлаклар ва майдонлар яратилиши керак. Бу йўлаклар бўйлаб очиқ, қуёшли ва сояли жойлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Йўлаклар бўйлаб дарахтлар ва буталардан экилган эркин ўсувчи пейзажли гуруҳларнинг яратилгани маъқулдир [28].



*25–расм. Беморларни йўқлаб келганлар учун чирмашиб ўсувчи ўсимликлар–
лианлар ва воишлар билан ўралган суҳбатгоҳ [16].*

Шифохоналарда беморларда аллергия кўзғатувчи ўсимликларни экиш ман этилади (масалан, тол ва лешиналарнинг аёл навлари).

Шифохона бош биноси дарвозаси ва даволаш корпусларининг кириш олдида партер типдаги ёки модуллаштирилган гулзорлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Гулзорлардаги гулларнинг ранги тинчлантирувчи ва юмшоқ тонларда бўлгани маъқул. Дам олиш жойлари олдида эса ҳиди хушбўй гуллар (резеда, маттиола, хушбўй табак) экилиши зарур [25]. Хвой типдаги дарахт ва буталар шифохона ҳудудини нафақат ёзда, балки қиш фаслида ҳам яхши безайди. Палаталар дерезалари олдида сибир дерени ва унинг турли шакллари экиш мумкин. Унинг ёрқин қизғич барглари қишги пейзажларга ўзига хос тус бериши билан ажралиб туради.

3.3. Музейлар ва савдо корхоналари ҳудудларини ландшафт ташкиллаштириш

Музей бинолари ҳудудларидаги боғлар миллий–тарихий рамзларни ифодалаш, партер гулзорлар ва майсазорларни яратиш ёки маҳаллий табиат муҳитини қайта тиклаш орқали яратилиши мумкин. Музей қошидаги ландшафт муҳитини объектнинг ички ва ташқи ечими, фазовий тузилишини бир–бирига узвий боғлаш, уйғунлаштириш орқали ҳам ечиш мумкин. Бундай боғда кўчма кўрмазлар, музей рекламаларининг витринаси ва музейга доир ҳайкаллар жойлашиши мумкин. Боғ режавий ечими аралаш усулда: қисман мунтазам тарҳли ва қисман эркин пейзажли усулларда ишланиши мумкин. Бундай боғ чегараси бўйлаб қаторлаб экилган дарахтлар, уларнинг ёнига эса қатор буталар, яшил тўсиқлар, боскетлар ва яшил партер майсазорлар экилиши мумкин [26, 27]. Гулзорлар композицияси боғнинг асосий ландшафт акцентларини тўлдириш, айниқса ҳайкаллар билан биргаликда боғ жозибадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Гулзорларнинг колористик ечимини ишлашда, томошабинларнинг музей асосий экспозициясига бўлган диққатини тортмаслик учун асосан, совуқ тонли ранглардаги гуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [29].

Савдо корхоналари қошидаги боғлар ҳудуди аниқ функционал зоналарга бўлинган бўлиши зарур. Уларда қуйидаги зоналарнинг ташкиллаштирилиши кўзда тутилади: пиёдалар интенсив ҳаракати зонаси, экспозициялар зонаси ва вақтинчалик дам олиш зонаси [18]. Вақтинчалик дам олиш зонаси дўконлар, рекламалар витриналар ва пиёдалар учун хиёбонлар билан ўзаро боғланган дам олиш майдонлари тизимидан иборат бўлиши зарур. Ушбу майдончалар композициясига гулзорлар, кичикрок фавворалар, декоратив ҳайкаллар ва бошқа дизайн элементлари киритилган бўлиши мумкин. Майдончаларга ўриндиқлар, ахлатдонлар, ёриткичлар, контейнерлардаги гул буталар жойлаштирилиши зарур [14]. Савдо корхоналари қошидаги боғларни ярмаркаларга, аттракционларга эга бўлган кўнгил очувчи мини паркларга ўзгартириш имконияти мавжуд.

Савдо корхоналари қошида хусусий транспорт воситалари учун автостоянкалар, таксилар ва оммавий транспортлар учун соябонли тўхташ жойлари ташкил этилиши зарур [18, 22]. Бу ерда геопластика усулларида: турли поғоналардаги террасалар ва тиргак деворлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Террасаларнинг энг пастгисини гаражлар, хусусий транспортларнинг турар жойи, хўжалик сектори, айрим ёрдамчи хоналар ва бошқалар эгаллаши мумкин. Кичик боғларнинг меъморий–ландшафт ечими бош ва иккинчи даражали хиёбонларнинг аниқ белгиланган мунтазам режавий усулидан кўпроқ фойдаланиш орқали амалга оширилади. Кечқурунги ёруғлантириш сценарияларини ва визуал тармоқлар тизимини ҳам ишлаб чиқиш талаб этилади.

III–боб хулосаси

1. Маъмурий бинолар қошидаги кичик боғлар режавий ташкиллаштирилиши бўйича ўта оддий, мантиқий бўлиши ва аралаш режавий усулда лойиҳаланиши зарур.

Маъмурий ва жамоат бинолари олдиларида, одатда, бош фасадлари томонидан кенг очик яшил муҳит–партерли сквер шакллантириш тавсия этилади. Агар бунинг учун этарлича майдон бўлмаса бош фасад ва бинога кириш йўлаклари олдида манзарали гулзор шакллантирилади. Унинг ечими турлича: партер усулида ёки клумба кўринишдаги гулзор бўлиши мумкин.

Маъмурий бинолар олдиларидаги ҳудудларнинг ечими кўпинча мунтазам режавий услубда, симметрик ўқ атрофидаги, такрорланувчи яшил ландшафт композицияларидан тузилиши мумкин. Бундай кўкаламзор муҳитлар маъмурий бинолар, магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва бошқа жамоат бинолари олдиларидаги ҳудудларда ҳам бўлиши зарур.

2. Жамоат биноларини кўкаламзорлаштиришнинг яна бир оддийроқ, бироқ самарали услубларидан бири-тик кўкаламзорлаштиришдир. Тирмашиб ўсувчи лианлар тик тиргаклар ёки деворлар бўйлаб кўкка интилиб, биноларга мафтункор манзара бериши мумкин. Тик кўкаламзорлаштиришда амур токи, Берландье токи, девичий виноград пятилистковый, Хитой глициняси, жимолость каприфоль, текома ва бошқаларни қўллаш мумкин.

Кичик боғни кўкаламлаштириш учун ўсимликлар ассортименти уларнинг беморларга ижобий психологик таъсир қилишини ҳисобга олган ҳолда пухта ўйланиши керак. Бу ерда ташқи кўриниши тўғри геометрик (устунсимон, овал, шарсимон) ва эркин пейзажли кўринишдаги шаклларга эга бўлган дарахтлардан фойдаланилади. Улар турлича комбинацияларда қўлланилиши мумкин.

3. Дарахтлар ва буталардан ҳосил бўладиган ижобий таъсир омиллари уларнинг ташқи кўринишлари баландлиги, баргларининг ранглари, гуллаши ва мевалари, хушбўй ҳиди, барг ва шохларининг шивирлаши билан аниқланади. Масалан, тугал қисми тик кўринишли хвой навли дарахт ва буталардан шаклланган яшил массив (нотинч шарпалар

ҳосил қилувчи ель обыкновенная, балканская, можжевельник обыкновенный) инсоннинг томоша қилиш қобилиятини фойдали томонга кўзгатади, кайфиятни эса кўтаришга ёрдам беради. Дарахтлар ва буталардан тузилган массив (клен–явор, сохта каштан, олхўри, черемуха ва бирючина обыкновенная) асаб зўриқишини пасайтиришга ва йўқотишга ёрдам беради ва ҳоказо.

4. Шифохоналар ҳудудининг чегараси бўйлаб ҳимоя мақсадида 2–3 қатор кенг ва тифис шохли дарахтлардан тузилган яшил тасма шакллантирилиши керак. Яшил тасманинг ички тарафидан унга ёнма-ён тарзда, одатда кузалмайдиган баланд тифис ўсувчи буталар экилиши керакки, улар ҳудудни ҳимоялаши билан бирга ички муҳит манзарасини яхшилайд.

Шифохоналар бош корпусларининг олдиларида соя тушувчи дам олиш жойлари ва манзаравий очиқ ландшафтли кўкаламзор майдон (партер ва гулзорлар, фавворалар) ташкиллаштирилиши зарур. Беморларни кўргани келганлар учун чирмашиб ўсувчи ўсимликлар–лианлар билан ўралган воишлар ўрнатиш ҳам яхши самара беради. Шифохона ҳудудидаги кўкалам-лар кўпроқ хвой типдаги, ҳаво таркибини фитонцид ва ионлар билан бойитувчи, хушбўй ҳидли навларнинг танланиши мақсадга мувофиқ.

Шифохоналарда беморларда аллергия кўзгатувчи ўсимликларни экиш ман этилади (масалан, тол ва лешиналарнинг аёл навлари). Шифохона бош биноси дарвозаси ва даволаш корпусларининг кириш олдида партер типдаги ёки модуллаштирилган гулзорлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Гулзорлардаги гулларнинг ранги тинчлантирувчи ва юмшоқ тонларда бўлгани маъқул.

5. Музейлар қошидаги боғлар миллий–тарихий рамзлар, тимсоллардан ёки маҳалий табиат муҳитини қайта тиклаш орқали яратилиши мумкин. Музей қошидаги боғ муҳитини объектнинг ички ва ташқи вужуди, фазовий тузилишини бир–бирига узвий боғлаш,

уйғунлаштириш орқали ҳам ечиш мумкин. Бундай боғда кўчма кўрғазмалар, музей рекламаларининг витринаси ва музейга доир ҳайкаллар жойлашиши мумкин. Боғ режавий ечими аралаш усулда қисман мунтазам тарҳли ва қисман пейзажли тарҳий усулларда ишланиши мумкин. Бундай боғ чегараси бўйлаб қаторлаб экилган дарахтлар, уларнинг ёнига эса қатор буталар, яшил тўсиқлар, боскетлар ва яшил партер майсазорлар экилиши мумкин. Гулзорлар композицияси боғнинг асосий ландшафт акцентларини тўлдириш, айниқса ҳайкаллар билан биргаликда боғ жозибадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Гулзорларнинг колористик ечимини ишлашда, томошабинларнинг музей асосий экспозициясига бўлган диққатини тортмаслик учун асосан, совуқ тонли ранглардаги гуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

6. Савдо корхоналари қошидаги боғлар ҳудуди аниқ функционал зоналарга бўлинган бўлиши зарур. Уларда қуйидаги зоналарнинг ташкиллаштирилиши кўзда тутилади: пиёдалар интенсив ҳаракати зонаси, экспозициялар зонаси ва вақтинчалик дам олиш зонаси. Вақтинчалик дам олиш зонаси дўконлар, рекламали витриналар ва пиёдалар учун хиёбонлар билан ўзаро боғланган дам олиш майдонлари тизимидан иборат бўлади.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

Мазкур диссертацияда олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги якуний хулосалар қилинди:

1. Жамоат бинолари ўзининг асосий вазифалари, аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композициясининг ғоявий-бадий тасвирланиши бўйича таснифланади ва бир неча гуруҳларга бўлинади. Жамоат биноларининг жойлашиш ўрни уларнинг функционал аҳамиятига, уларга бўлган шаҳар, туман ёки микрорайон аҳолисининг эҳтиёж даражасига ҳамда улар бажарадиган

вазифаларга кўра аниқланади. У ёки бу гуруҳдаги жамоат биноларининг ҳажмий–режавий ечимлари кўп йиллик лойиҳалаш, қурилиш ва улардан фойдаланиш амалиёти натижасида шаклланади. Ана шундай шаклланиш асосида режалашнинг ва ҳажмий–фазовий композициянинг энг мақбул (оптимал) тизимлари белгиланади ва бу тизимлардан типологик тарзда фойдаланилади. Худди шу асосда жамоат биноларининг ташқи меъморий киёфаси, уларнинг бадиий тасвири ҳам шаклланади.

2. Одатда, жамоат бинолари микрарайонда, турар жой ҳудудида, шаҳар ёки қишлоқлар ҳудудида марказий жойни эгаллайди ва архитектуравий ансамблларни яратишда асосий объект бўлиб хизмат қилади.

3. Жамоат бинолари кўп сонли ташриф буюрувчиларнинг вақтинчалик ташрифи учун мўлжалланган бинолардир (маъмурий бинолар, театр, универмаг, таълим–тарбия ва спорт бинолари ва бошқалар). Шунинг учун уларга кириб чиқиш ҳамда ташриф буюрувчиларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш жамоат бинолари учун алоҳида аҳамият касб этади. Шунга боғлиқ тарзда жамоат биноларининг ҳудудларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш, сифатли кўкаламзорлаштириш, гулзорлаштириш ва ободонлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилади.

4. Ўзбекистондаги жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт ташкиллаштиришнинг ҳозирги ҳолати тажрибалари шуни кўрсатадики, хорижий меҳмонлар ва сайёҳларни қабул қилувчи нуфузли меҳмонхоналар ҳамда маъмурий–бошқарув биноларига тегишли ҳудудлардан бошқа жамоат биноларининг ҳудудлари, уларнинг меъморий–ландшафт дизайни ва ободончилиги айтарли даражада ижобий эмас, яъни халқаро ландшафт дизайни стандартларига жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам диссертацияда жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш сифатини ошириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди.

5. Болалар боғчаларининг ҳудуди функциясига кўра, болалар зонаси, гуруҳлар майдонлари, спорт майдончалари зонаси, хўжалик ва манзарали кўкаламлар зонасига бўлинади.

Болалар боғчаларида энг аввало фитонцидга бой қуюқ соя берувчи ўрта катталиқдаги дарахтлар, масалан дала клёни, япон сафораси, виргин можжевельниги, туя, багряник, липа ҳамда чиройли ва узоқ гуллаб турувчи тикони ва захари йўқ буталар, кўп йиллик ёрқин ва хушбўй гулларни экиш мақсадга мувофиқдир.

6. Боғчалар ҳудудидаги болалар гуруҳлари ва умумий фойдаланувчи майдонларни соя қилиш мақсадида усти ва ён томонлари ёввойи ток, пуэрария, клематис, текома ва бошқа чирмашиб ўсувчи ўсимликлар билан қопланган треляж ва перголаларни қўллаш маъқулдир.

Болалар боғчаларидаги гулзорлар, асосан, бинога кириш олдида, ота-оналар кутадиган жойда ва бино атрофларида бўлиши мумкин. Гулзорлар бир, икки ва кўп йиллик гуллар ва гулловчи буталардан шакллантирилиб, улар ўзининг чиройли ва қизғин гуллаши, гулларининг ёрқин ранглари ва ёқимли ҳиди билан ажралиб туриши зарур.

7. Ўқув муассасалари қошидаги кичик боғлар ландшафт муҳитини ташкил қилиш қоидалари ва ҳудуднинг меъморий–ландшафт ечимлари ушбу муассасаларнинг функционал талабларига бўйсиниши лозим.

Мактаблар ҳудуди қуйидаги функционал зоналарга бўлиниши зарур: ўқувчиларнинг таннафус ва дарсдан кейинги вақтларида дам олиш зонаси, жисмоний тарбия ва спорт зонаси, тинч дам олиш зонаси, хўжалик зонаси.

8. Мактаблар ҳудудининг ярмидан кўп қисми (55–60 %) кўкаламзорлаштирилиши зарур. Танланадиган ўсимликлар ассортименти нафақат манзаравий эстетик ва биологик талабларга, балки турли хил дарахт ва буталардан ҳамда ўқувчиларга Ўзбекистон флорасини таништириш имкониятларига ҳам эга бўлиши керак. Бунинг учун йирик мактаблар қошида ўқув-тажрибавий биология ва дендрология боғчаларини, ўрта ва кичик мактаблар ҳудудида мевали боғ ва полизлар

ташқил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳудудларда ўқувчи–ёшлар манзарали ва қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва ўстириш тажрибаларига эга бўлиши билан бирга табиатга меҳр қўйиш ва уни ардоқлаш кўникмаларини ҳам эгаллайдилар.

9. Мактаб ҳудудидаги дам олиш зонасини кўкаламзорлаштириш учун қуюқ соя берувчи энига кенг ўсувчи, шох шаббаси ва барги тигис дарахтлар танланади. Дарсхоналарнинг деразалари олдини тўсиб қўймаслик учун дарахтлар ва баланд буталарни бинодан муайян масофага экиш керак. Дарахтлар оралиғи 5–10 м, буталар ораси 3–5 м бўлиши керак. Буталарни майса устида алоҳида ёки гуруҳлаб экиш зарур. Баланд бўйли буталарни (сирень, жимолость, калина, бульданеж) мактаб участкаси чегараларига яқин, ўрта ва паст буталарни (вейгела, форзиция, гребенщик, спирея) биноларга яқин экиш тавсия этилади.

10. Спорт иншоотлари ва комплекслари ҳудудларини меъморий–ландшафт лойиҳалаш ва кўкаламлаштириш ишлари ушбу иншоотларнинг ҳудудда қандай жойлашиши, ҳудуднинг меъморий–режавий ечими, ҳудуд рельефи, иқлими, тупроқ тури ва атроф–муҳит қурилиши ва ландшафтига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Спорт комплекслари ҳудудини меъморий–ландшафт ташқиллаштиришда майсазорларнинг аҳамияти ва ўрни катта. Уларнинг дилни яйратувчи ям–яшил текис юзаси нафақат иморатларга, балки майсалар устига экилган дарахт ва буталар, гулзорларга ҳам яхши манзаравий фон бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари майсалар муҳитнинг микроиқлимини яхшилашга ёрдам беради.

11. Спорт комплексларининг ландшафт архитектураси, юқорида таъкидлаганимиздек ташқи муҳит билан чамбар–час боғлиқдир. Яъни бу муҳит табиий манзаравий пейзаж–ўрмонзорлар, кўп қаватли тураржойлар–микрорайон ва дарё бўйлари, спорт комплекси биноларининг архитектураси ва комплексга тегишли майдонлар ландшафт ечимининг атроф муҳитга, рельеф ва иқлимий шароитларга боғлиқ бўлишлиги мақсадга мувофиқдир.

12. **Маъмурий бинолар** ҳудудидаги кичик боғларнинг ландшафт режавий ташкиллаштирилиши ўта оддий, мантиқий бўлиши ва аралаш режавий усулда лойихаланиши зарур. Маъмурий ва жамоат бинолари олдиларида, одатда, бош фасадлари томонидан кенг очик яшил муҳит–партерли сквер шакллантириш тавсия этилади. Агар бунинг учун этарлича майдон бўлмаса бош фасад ва бинога кириш йўлаклари олдида манзарали партер ва гулзор шакллантирилади. Унинг ечими турлича: партер усулида ёки клумба кўринишдаги гулзор бўлиши мумкин.

13. Маъмурий бинолар олдиларидаги ҳудудларнинг ечими кўпинча мунтазам режавий услубда, симметрик ўқ атрофидаги, такрорланувчи яшил ландшафт композицияларидан тузилиши мумкин. Бундай кўкаламзор муҳитлар маъмурий бинолар, магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва бошқа жамоат бинолари олдиларидаги ҳудудларда ҳам бўлиши зарур.

14. Жамоат биноларини кўкаламзорлаштиришнинг яна бир оддийроқ, бироқ самарали услубларидан бири–тик кўкаламзорлаштиришдир. Тирмашиб ўсувчи лианлар тик тиргаклар ёки деворлар бўйлаб кўкка интилиб, биноларга мафтункор манзара бериши мумкин. Тик кўкаламзорлаштиришда амур токи, Берландье токи, девичий виноград пятилистковый, Хитой глициняси, жимолость каприфоль, текома ва бошқаларни қўллаш мумкин.

15. Шифохоналар ҳудудининг чегараси бўйлаб ҳимоя мақсадида 2–3 қатор кенг ва тигис шохли дарахтлардан тузилган яшил тасма шакллантирилиши керак. Яшил тасманинг ички тарафидан унга ёнма-ён тарзда, одатда кузалмайдиган баланд тигис ўсувчи буталар экилиши керакки, улар ҳудудни ҳимоялаши билан бирга ички муҳит манзарасини яхшилайдди.

Шифохоналар бош корпусларининг олдиларида соя тушувчи дам олиш жойлари ва манзаравий очик ландшафтли кўкаламзор майдон (партер ва гулзорлар, фавворалар) ташкиллаштирилиши зарур. Беморларни

кўргани келганлар учун чирмашиб ўсувчи ўсимликлар—лианлар билан ўралган воишлар ўрнатиш ҳам яхши самара беради. Шифохона ҳудудидаги кўкаламлар кўпроқ хвой типдаги, ҳаво таркибини фитонцид ва ионлар билан бойитувчи, хушбўй ҳидли навларнинг танланиши мақсадга мувофиқ.

Шифохоналарда беморларда аллергия кўзғатувчи ўсимликларни экиш ман этилади (масалан, тол ва лешиналарнинг аёл навлари). Шифохона бош биноси дарвозаси ва даволаш корпусларининг кириш олдида партер типдаги ёки модуллаштирилган гулзорлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Гулзорлардаги гулларнинг ранги тинчлантирувчи ва юмшоқ тонларда бўлгани маъқул.

16. Музейлар қошидаги боғлар миллий—тарихий рамзлар, тимсоллардан ёки маҳалий табиат муҳитини қайта тиклаш орқали яратилиши мумкин. Музей қошидаги боғ муҳитини объектнинг ички ва ташқи вужуди, фазовий тузилишини бир—бирига узвий боғлаш, уйғунлаштириш орқали ҳам ечиш мумкин. Бундай боғда кўчма кўрғазмалар, музей рекламаларининг витринаси ва музейга доир ҳайкаллар жойлашиши мумкин. Боғ режавий ечими аралаш усулда қисман мунтазам тарҳли ва қисман пейзажли тарҳий усулларда ишланиши мумкин. Бундай боғ чегараси бўйлаб қаторлаб экилган дарахтлар, уларнинг ёнига эса қатор буталар, яшил тўсиқлар, боскетлар ва яшил партер майсазорлар экилиши мумкин. Гулзорлар композицияси боғнинг асосий ландшафт акцентларини тўлдириш, айниқса ҳайкаллар билан биргаликда боғ жозибадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Гулзорларнинг колористик ечимини ишлашда, томошабинларнинг музей асосий экспозициясига бўлган диққатини тортмаслик учун асосан, совуқ тонли ранглардаги гуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

17. Савдо корхоналари қошидаги боғлар ҳудуди аниқ функционал зоналарга бўлинган бўлиши зарур. Уларда қуйидаги зоналарнинг ташкиллаштирилиши кўзда тутилади: пиёдалар интенсив ҳаракати зонаси,

экспозициялар зонаси ва вақтинчалик дам олиш зонаси. Вақтинчалик дам олиш зонаси дўконлар, рекламали витриналар ва пиёдалар учун хиёбонлар билан ўзаро боғланган дам олиш майдонлари тизимидан иборат бўлади.

18. Тадқиқотнинг асосий илмий натижалари қуйидагилардан иборат:

- ландшафт архитектураси ва дизайнига қўйиладиган умумий талаблар ва жамоат бинолари объектларининг замонавий типологияси ишлаб чиқилди;

- ландшафт архитектурасининг меъморий–режавий услублари ва яшил композициялар: солитерлар, гуруҳлар, қаторлар, массивлар, тик кўкаламзорлаштириш композициялари, гулзорлар ва майсазорларни шакллантириш усуллари ва уларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар берилди;

- ҳокимлик ва бошқа маъмурий–бошқарув жамоат бинолари, ясли ва боғчалар, мактаблар ва коллежлар, даволаш муассасалари, спорт комплекслари, савдо корхоналари ва музейлар ҳудудларининг меъморий ландшафт ечимлари бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди;

- ишда жамоат бинолари ҳудудларининг ландшафт архитектураси ва дизайнини яратиш ва ривожлантиришнинг замонавий тамойиллари аниқланиб, улар илмий–амалий ва лойиҳавий таклифлар сифатида илмий шакллантирилди.

Тадқиқот натижалари нафақат **амалий**, балки **назарий аҳамият**га ҳам эгадир. Улар Республикамиз олий таълим муассасаларидаги “Архитектура”, “Қишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш”, “Ландшафт дизайни” таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларни ўқитишда, ландшафт архитектураси ва дизайни фанларидан ўқув қўлланма ва дарсликлар, монографияларни тайёрлаш ва яратишда ҳам асқотади деб ўйлаймиз.

Тадқиқотда олинган натижаларни ривожлантириш истиқболлари борми ёки йўқми, деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Мазкур

диссертацияда асосан жамоат бинолари ҳудудларини ландшафт лойиҳалаш масалалари батафсил кўриб чиқилди. Бироқ ландшафт лойиҳалаш ҳамма вақт ландшафт дизайни билан параллел юради. Шундай экан мазкур тадқиқотни келажакда айнан ана у йўналишда ривожлантирса мақсадга мувофиқ иш бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1. Каримов И.А.** Юксак маънавият—энгилмас куч.—Т.: “Ўзбекистон”, 2012.
- 2. Каримов И.А.** Она юртимиз бахту истиқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш—энг олий саодатдир.—Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
- 3.** Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси.—Т., 2006.
- 4.** Ўз. Р. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29—декабрда тасдиқланган 322—сонли “2011–2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора—тадбирлари Дастурини тасдиқлаш” тўғрисидаги Қарори.—Т., 2010.
- 5.** Ўз. Р. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил. 13—августидида тасдиқланган 223—сонли “Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш ДАстурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.—Т., 2013.
- 6.** Архитектура ва шаҳарсозликка оид норматив—ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.—Т.: Адолат, 2007.
- 7.** ШНҚ 2.07.01–03*. Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш.—Т., 2009.
- 8.** ШНҚ 1.03.02–04*. Ҳудудларни ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома.—Т., 2009.

- 9. Вергунов А.П., Денисов М.Ф., Ожегов С.С.** Ландшафтное проектирование.–М., 1991.
- 10. Горохов В.А.** Городское зеленое строительство.–М., 1991.
- 11. Исамухаммедова Д.У., Адилова Л.А.** Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси. II–қисм.–Т., 2010.
- 12. Кадырова Т.Ф.** Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX начала XXI вв.–Т., 2007.
- 13. Киреева М.Ф., Грязева В.П.** Цветоводство в сельской местности.–М., 1999.
- 14. Крижановская Н.Я.** Светоцветовой дизайн городской среды.–Белгород, 2006.
- 15. Крижановская Н.Я.** Ландшафтный дизайн для начинающих.–Ростов–на–Дону: Феникс, 2008.
- 16. Рахимов К.Д., Уралов А.С.** Ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалаш.–Тошкент: “Сано–стандарт” нарийети, 2015.
- 17. Славкина Т.И., Подольская О.И.** Декоративно содоводство озеленение населенных мест.–Т., 1987.
- 18. Сычева А.В.** Основы ландшафтного дизайна.–Минск: Высшая школа, 2004.
- 19. Теодоронский В.С., Сабо Е.Д., Флова В.А.** Строительство и эксплуатация объектов ландшафтной архитектуры.–М., 2008.
- 20. Убайдуллаев Х.М., Абдурахимов Ю.А.** Турар жой ва жамоат бинолари типологияси.–Тошкент, 2012.
- 21. Уралов А.С., Адилова Л.А.** Ландшафт архитектураси.–Тошкент: Чўлпон нашриёти, 2015.
- 22. Уралов А.С., Жонузоқов А.Э., Балгаева Ш.А.** Ўзбекистон қишлоқларида ландшафт архитектурасини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари (Самарқанд вилояти мисолида).–Самарқанд: “Зарафшон” нашриёти, 2015.

23. Уралов А.С., Кушманов Т.Ф. Бинолар типологияси.—Тошкент, 2007.

24. Уралов А.С., Қулназарова З., Балгаева Ш.А. Манзаравий дарахт ва буталарнинг ўсиши бўйича Ўзбекистон ҳудудининг зона ва туманларга бўлиниши. Ж—л: Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илмий—техник журнали, Самарқанд: СамДАҚИ, 2013, №4.—Б. 12–14.

25. Уралов А.С., Имомов М.Р., Балгаева Ш.А. Ландшафт архитектурасида қўлланиладиган гулзорлар ва майсазорлар. Ж—л: Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илмий—техник журнали.—Самарқанд: СамДАҚИ, 2014, №1.—Б. 55–61.

26. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг замонавий архитектураси.—Т., 1995.

27. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморчилиги.—Т., 2010.

28. Qayumov A. Landshaft qurilishi.—Т., 2005.

29. Qayimov A. Aholi yashash joylarini ko'kalamzorlashtirish.—Tashkent, 2013.

Интернет сайтлари

30. [http:// www. Landstyle.ru](http://www.Landstyle.ru)

31. [www. Landscape design.ru](http://www.Landscape design.ru)

32. sad@sad.ru

33. [http:// www.sadtorg.ru](http://www.sadtorg.ru)

34. www_uznature_uz.hiv

35. www.Gardener.ru